

Bizning vazifamiz — to'plangan tajriba va ilg'or xalqaro amaliyotga suyangan holda, o'zimizning taraqqiyot va yangilanish modelini qat'iy amalga oshirishdan iborat.

Shavkat MIRZIYOYEV



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу

Қозоғистон Республикаси Президенти муҳтарам Нурсултон Назарбоев Жаноби Олийлари!

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби, муҳтарам доктор Юсуф бин Аҳмад ал-Усаймин Жаноби Олийлари!

Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар! Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ушбу нуфузли саммитининг мавзуси, яъни **"Фан, технологиялар, инновациялар ва ислом оламини модернизация қилиш"** деган гоё бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Таъкидлаш керакки, Ислом олами жаҳон фани ва цивилизациясига қўшган бе-

қиёс ҳиссаси билан фахрланишга тўла ҳақлидир.

Хусусан, Марказий Осиё ҳудуди Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида бугун дунёда маълум ва машҳур бўлган.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, улуг ватандошларимиз — алгоритм асосчиси Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фарғоний, геодезия ва минералогия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Фарбда Авиценна номи билан танилган Ибн Сино, давлат арбоби ва буюк астроном Мирзо Улугбек сингари мутафаккир зотларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда тараққиёт ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда буюк ажодларимиз қолдирган, бу-

тун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлган бебаҳо мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ана шундай эзгу мақсад билан ўтган йили Тошкентда ўтказилган ташкилотимизнинг Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш гоёсини илгари сурган эдик ва ҳозирда бу борада мамлакатимизда кенг қўламли ишлар олиб борилаётган.

Фурсатдан фойдаланиб, ташкилотимизга аъзо давлатлар раҳбарларига, хусусан, Ислом тараққиёт банкининг президенти Бандар Ҳажар Жаноби Олийларига ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорчилик билдираман.

(Давоми 2-бетда.)

ХАЛҚАРО САММИТ ДОИРАСИДАГИ САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 9-10 сентябрь кунлари Остона шаҳрида бўлди.

10 сентябрь куни Остона шаҳрида Мустақиллик саройида Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити очилди.

Мазкур саройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутди.

Саммитни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев очди.

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ушбу нуфузли саммити "Фан, технологиялар, инновациялар ва ис-

лом оламини модернизация қилиш" мавзусида ўтди.

Маълумки, 2016 йил 18 октябрь куни Тошкентда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси бўлиб ўтган, "Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" шiori унинг асосий гоёси этиб белгиланган эди. Шу маънода Остона саммитини Тошкентда ўтган сессиянинг мантқиқий давоми, дейиш мумкин.

Саммитда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида соғлом ва ҳар томонлама ривожланган ўсиб келаётган авлоднинг шаклланишини таъминлашга қаратилган самарали мактабгача таълим тизимини ташкил қилиш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, мавжуд тизимли камчиликлар мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

Биринчидан, мактабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги ҳолати тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур соҳада, шу жумладан, нодавлат секторда замонвий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермаётти;

Иккинчидан, мактабгача таълим соҳасига инвестицияларни жалб қилишга, шу жумладан, ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, уларни моддий-техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва илғор педагогик технологияларни қўллашга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий қилинмаган;

Учинчидан, мактабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техника базасининг амалдаги ҳолати болаларни мактабгача таълим муассасалари билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга имкон бермаётти, мамлакатда аҳоли сонининг ўсиши айрим мактабгача таълим муассасаларининг ҳаддан ташқари бандлигига олиб келмоқда;

(Давоми 3-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ — ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 10 сентябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида сўзлаган нутқи хорижий оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотди. Уларда давлатимиз раҳбарининг нутқида билдирилган асосий фикрларга алоҳида эътибор қаратилган кўлаб материаллар чоп этилгани ҳам бундан далолат беради.

Хусусан, **Би-Би-Си** Ўзбек хизмати (bbc.com/uzbek) Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ислом оламининг муаммолари масалалари, аввало, илм-фан ва технологиялар борасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолаётганини таъкидлаганини қайд этган.

Интернет нашр Президентимизнинг Тошкент шаҳрида Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш бўйича ташаббусига алоҳида эътибор қаратган.

Шунингдек, Би-Би-Си Шавкат Мирзиёевнинг мусулмон оламида фан ва технологиялар тараққиёти даражасига берган баҳосига, ИХТга аъзо давлатлар катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодийта инновацион гоё ва технологияларни жорий

этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этганига, фан ва технологияларни ривожлантиришга қўшилган ҳисса учун Ислом ҳамкорлик ташкилотининг халқаро мукофотини таъсис этиш ва уни кенг оммалаштириш ташаббусига ўқувчилар диққатини қаратган.

«Озодлик» радиоси (ozodlik.org) Ўзбекистон Президенти мусулмон мамлакатлари олимларининг фан ва технологияларни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини муносиб тақдирлаш мақсадида ИХТ мукофотини таъсис этишни таклиф қилгани, бу, айниқса, ёш олимларга илмий-технологик йўналишлардаги изланишларини янада фаоллаштиришга рағбат бўлишини қайд этган.

(Давоми 4-бетда.)

Ўқувчилар чет тилини қандай ўзлаштирмоқда?

Мониторинг натижалари таҳлил қилинди

5-бет

10-синфда дарс бошланди

9-бет

Сузувчиларимиз қитъа чемпионатини 31 медал билан яқунлади

15-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бугунги кунда Ўзбекистон китоб фондларида 100 мингдан зиёд кўлемлар сақланмоқда, уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Айни вақтда биз Ўзбекистон пойтахти Тошкентда Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш ишларини бошладик. Ва Ташкилотга аъзо мамлакатларни фаол ҳамкорликка чақирамиз.

Бу марказни "Жаҳолатга қарши — маърифат" шиори остида барпо этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазири кенгашига раислиги даврида "Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" г'оясини ilgari сургани албатта бежиз эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 300 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасаси, илмий-ишлаб чиқариш корхоналари ва инновация марказлари фаолият олиб бормоқда.

Кейинги пайтда мамлакатимизда янги илмий-инновацион тузилмалар — Геномика ва биоинформатика маркази, Халқаро қўш энергияси институти, Юқори технологиялар маркази, Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази ташкил этилди.

Биз Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий қўмитаси фаолиятини юксак баҳолаймиш ва унинг ишида янада фаол иштирок этишни режалаштирганмиз.

Ташкилотимизнинг мазкур йўналишда 2005—2015 йилларга мўлжалланган Ўн йиллик ҳаракатлар дастури натижалари белгиланган мақсадларга эришилгандан далолат беради.

Айни вақтда кўпга мусулмон мамлакатлари илм-фан ва технологиялар соҳасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолаётганини тан олиш лозим.

Масалан, аъзо давлатларнинг фақатгина 11 та олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500 та энг яхши университетей рейтингидан ўрин олган, ҳолос.

Ёки 2015 йилда дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги биру ўндан тўққиз фоизни ташкил этган. Ташкилотга аъзо давлатларда 2016 йилда эълон қилинган илмий мақолаларнинг қарийб 80 фоизи 7 та давлат ҳиссасига тўри келган.

Ақсарият мусулмон мамлакатлари бой табиий захираларга, катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодиётга инновацион гоя ва технология-

ларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этиш лозим.

Ўйлайманки, фундаментал фан соҳаларини ривожлантириш, даврнинг долзарб муаммоларига илмий ечимлар топишга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйиш ислом оламининг илмий-технологик салоҳиятини ошириш учун мустақкам замин яратди.

Мирзо Улуғбекнинг астрономия фани ривожидagi бебаҳо ҳиссасини эътиборга олиб, Самарқанд шаҳрида замонавий телескоп ўрнатиш тўғрисидаги таклифни биз миннатдорлик билан қабул қиламиз.

Биз Ислом ҳамкорлик ташкилотининг 2016—2025 йилларга мўлжалланган Ўн йиллик ҳаракатлар дастури ва унинг устувор йўналишларини тўла қўллаб-қувватлаймиш ҳамда кўйидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблаймиш.

Биринчидан, глобал иқлим ўзгаришлари муаммоси. Аксарият минтақаларда тупроқ емирилиб, унумдор ерлар қисқариб бормоқда, чўлланиш, сув тақчиллиги, курғоқчилик, аҳолининг ичимлик суви билан таъминлаш жиддий муаммага айланмоқда.

Оролбўйидаги экологик фалокат туфайли бу таҳдидлар бизнинг минтақамиз учун янада катта хавф тугдирмоқда. Биз «персоналлаштирилган қишлоқ ҳўжалиги» концепциясини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилишни таклиф этамиш.

Бу концепция қишлоқ ҳўжалиги эканларининг муайян муҳит, тупроқ, ўғит, сув ва биостимуляторларга нисбатан реакциясини инobatга олиб, уларнинг аниқ генотипларига эътибор қаратишни назарда тутди.

Иккинчидан, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашган ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблаймиш.

Шу муносабат билан Қозғистон Президенти муҳтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевнинг барқарор ва инклюзив иқтисодий тараққиётга эришиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган мусулмон давлатлари ўртасида инфратузилмалар бўйича интеграцияни ташкил этиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаймиш.

Учинчидан, юқорида зикр этилган Доимий қўмитанинг аъзо давлатлар ҳудудида олти та Юқори самарали компьютер марказини ташкил этиш тўғрисидаги тавсиясига мувофиқ, шундай марказлардан бири ўзбекистонда жойлаштиришга тайёр эканлигини билдиради.

Биз ёш олимларга билим ва тажриба алмашиш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш имконини берадиган Мусулмон олами ёш олимлари халқаро мар-

казини тузишни таклиф этамиш.

Тўртинчидан, Доимий қўмита ҳўмилигида Ўзбекистонда Ал-Хоразмий хотирасига бағишлаб, ёш математиклар ўртасида Халқаро олимпиадани ташкил этишни таклиф қиламиз.

Бешинчидан, мусулмон дунёсида эришилаётган илм-фан ютуқларини муносиб тақдирлаш ҳамда уларни халқаро миқёсда оммалаштириш учун Ислом ҳамкорлик ташкилотининг махсус мукофотини таъсис этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиш.

Олтинчидан, муқобил энергия манбаларини кенг миқёсда ўзлаштириш барчамиз учун гоёят долзарб аҳамиятга эга. Шу боисдан бу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-инновацион лойиҳаларни биргаликда, хусусан, инвестициялар киритиш ҳисобидан амалга оширишга тайёр эканлигини билдиради.

Еттинчидан, аъзо давлатларнинг барқарор иқтисодий ривожланиши, аҳолининг муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш мақсадида Фан ва технологиялар бўйича саммитни ҳар уч йилда бир марта ўтказишни ва ушбу таклиф қўллаб-қувватланган тақдирда, кейинги саммитни 2020 йилда Ўзбекистонда ўтказишга тайёр эканлигини билдирмоқчиман.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Бугунги саммит мусулмон умматининг бирдамлигини мустаҳкамлаш, халқларимизнинг раванқи ва фаровонлиги йўлидаги тарихий қадам, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Ишончим комил, ушбу анжуман буюк аллома Мирзо Улуғбек Бухоро шаҳрида бунёд этган мадраса пештоқиға битилган "Илм эгаллаш ҳар бир мусулман ва мусулма учун фарзидир", деган ҳадиси шарифни ҳаётимиз қондасига айлантиришга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби, доктор Юсуф бин Аҳмад ал-Усаймин Жаноби Олийларига, Ташкилотимизнинг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий қўмитаси раиси, Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Хусайн Жаноби Олийларига мусулмон оламидаги илмий ҳамкорликни кучайтириш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлари учун ташаккур билдираман.

Қозғистон Республикаси Президенти муҳтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевни гўзал Остона шаҳрида «ЭКСПО — 2017» халқаро кўргазмасининг муваффақиятли ўтгани билан самимий табриқлайман ҳамда бугунги саммит юксак савияда ташкил этилгани учун чўқур миннатдорлик изҳор этаман. Эътиборингиз учун ташаккур.

ХАЛҚАРО САММИТ ДОИРАСИДАГИ САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Фан ва технологиялар бўйича саммитда Ислом ҳамкорлик ташкилотиға аъзо давлатлар ва кузатувчи мамлакатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар вакилларидан иборат 80 га яқин делегация иштирок этди. Саммит якунида Остона декларацияси имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мазкур саммит доирасида Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Рўҳоний, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Фани ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашувлар ўтказди.

Эрон Президенти билан мулоқотда Шавкат Мирзиёев Ҳасан Рўҳонийни яқинда бўлиб ўтган Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан самимий муборакбод этди.

Ўзбекистон ва Эрон халқларини тарихий ва маданий муштараклик, яхши қўшничилик муносабатлари боғлаб туради. Икки мамлакатнинг мумтоз адабий мероси халқларимиз учун бирдек қадрли. Бугунги кунда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил мустаҳкамланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-инфратузилма соҳаларидаги алоқаларга тўхталар экан, бу борадаги имконият ва кенг салоҳиятдан янада самарали фойдаланиш, ўзаро саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш ҳамкорликни янги босқичга кўтаришини таъкидлади.

Ҳасан Рўҳоний Эрон Ўзбекистонни минтақадаги яқин ва ишончли ҳамкор деб билишини, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамланиши ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилишини қайд этди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан учрашувда мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодиёт, инвестиция, сайёҳлик ва бошқа соҳалардаги алоқаларини кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди. Ўзаро манфаатли ва узоқ истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун тегишли вазирликлар ва ишбилармон доиралар ўртасида мунтазам учрашувлар ташкил қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Икки давлат Президентлари Ўзбекистон билан Туркия бир-бирига муҳим ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида қарашини, томонлар ҳамкорлигини ўзаро ишонч таъминлаш асосида кенгайтириш ва халқларимиз манфаатларига хизмат қиладиган юксак даражага кўтариш тарафдори эканини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Фани билан мулоқотда у билан яна бир бор учрашётганидан мамнун эканини таъкидлади.

Икки давлат раҳбарларининг жорий йил июнь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида ўтган учрашуви чоғида эришилган келишувлар асосида ҳамкорликни янада фаоллаштириш бўйича «йўл харитаси» қабул қилинди. Унинг изчил амалга оширилаётгани натижасида савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожланиб бормоқда. 2017 йилнинг биринчи ярмида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 18,5 фоиз ўсган.

Президентларнинг ушбу учрашувидан кейин савдо айланмаси янада ошиши қайд этилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ўртасида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларининг бугунги ҳолати, савдо-иқтисодиёт, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Икки мамлакатнинг улкан иқтисодий салоҳиятидан тўла фойдаланиш, товар айирбошлаш ҳажминини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қозғистон Республикасига ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар САМАДОВ,
Ўза махсус муҳбири,
Тошкент — Остона — Тошкент

2017-yil 13-sentabr, № 73 (9034)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тўртинчидан, миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик (шу жумладан, ўйинлар ва ўйинчоқлар) материаллар ва бадиий адабиётларни тайёрлаш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятига жорий этиш ишлари замонавий талабларга жавоб бермайди;

Бешинчидан, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг амалдаги тизими мактабгача таълим соҳасини болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассислар билан таъминлай олмайди;

Олтинчидан, мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимининг паст даражада эканлиги малакали кадрларни жалб қилиш имконини бермапти;

Еттинчидан, мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари ишини ташкил этишдаги камчиликлар болаларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, шу жумладан, соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича профилактик чора-тадбирлар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизmlарини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, уларнинг инфратузилмаси ва моддий-техникавий жиҳозланишини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мактабгача таълим соҳасидаги фаолияти қиққарсиз деб топилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий ше-

риклик шартларида, шу жумладан, куйидагиларни назарда тутган ҳолда янги мактабгача таълим муассасалари ташкил этилади:

замонавий ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш мақсадида инвесторларга ер участкалари, бўш турган бинолар, шу жумладан, фаолият юритмаётган ва тарбияланувчилар сони кам бўлган давлат мактабгача таълим муассасаларини беғараз ажратиш;

инвесторларга мактабгача таълим муассасаларини, айниқса шундай муассасаларга юқори эҳтиёж мавжуд ва инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда ташкил этиш учун зарур бўлган солиқ имтиёзлари ва бошқа преференцияларни, шунингдек, имтиёзли кредитларни тақдим этиш имконияти;

инвесторлар томонидан ваколатли давлат органлари билан 50 йил муддатга тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда амалга ошириш;

инвесторлар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда назарда тутилган шартларга, мактабгача таълим соҳасидаги давлат талабларига, санитария-гигиена нормаларига қатъий риоя этиш, келишув амал қилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш бўйича мажбурийларни қабул қилиш, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари хизмати нархининг ижтимоий ҳаммабоблигини таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни бекор қилиш механизmlари.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йилда ўтказилган эксперимент якунлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-

га республиканинг бошқа ҳудудларида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик механизmlарини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

3. Тошкент шаҳрида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари билан сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга эксперимент тариқасида рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2017 йилда ўтказилган эксперимент якунлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига республиканинг бошқа ҳудудларида мазкур амалиётни жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда "Йўл харитаси" деб юритилди) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишига шaxсан жавобгардир.

5. Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилди) 2-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

6. Куйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мактабгача таълим соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқларни, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни юзага келтирувчи нормаларни аниқлаш нуктаи назаридан инвентаризация қилиш ва таҳлил этиш;

мактабгача таълим соҳа-

сида давлат сиёсатини самарали амалга оширишга, шу жумладан, зарур инфратузилмани яратишга, ходимларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришга, педагогик кадрларни сифатли тайёрлаш ва малакасини оширишга, шунингдек, мактабгача таълимнинг хусусий секторини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда комплекс ўрганиш;

мактабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сифатли мактабгача таълимни ташкил этишга давлат талабларини қайта кўриб чиқиш;

мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилишнинг амалдаги тартибини, ваколатли давлат органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳолатини танқидий ўрганиш;

мавжуд амалиёт ва илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, уларнинг ташкилий ҳуқуқий шаклларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

мактабгача таълим муассасаларини ўқув-тарбиявий адабиётлар билан таъминлаш тизимини таҳлил қилиш;

мактабгача таълим муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини ўрганиш ҳамда сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатлар етказиб беришнинг шаффоф ҳамда соддалаштирилган тизимини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

мактабгача таълим соҳасида қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

7. Комиссия (А.Н.Арипов):

"Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларни

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 9 сентябрь

амалга ошириш давомида ушбу қарорнинг 6-банди билан юқлатилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратсин;

"Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чорак якуни бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида умумлаштирилган ахборот киритилишини таъминласин.

8. Комиссияга юқлатилган вазифаларни сифатли бажариш учун вазирликлар ва идоралар мутахассисларини, республиканинг илмий ва таълим муассасалари вакилларини, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг экспертларини белгиланган тартибда жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

9. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Комиссияга юқлатилган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама қўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни амалга оширишнинг механизмини белгиловчи Ҳуқумат қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикасининг Бosh прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юқлансин.

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Мақтабгача ёшдаги бола-га сингдирилган билим ва қадриятлар унинг келгусидаги ҳаётини белгилаб бериши сабабли мақтабгача таълим уйғун ривожланган шахсни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, ўтган даврда Ўзбекистон Республикасида мақтабгача таълимни ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига фақат 2016 йилда Давлат бюджетидан 1,6 триллион сўм ажратилган.

Ҳозирги вақтда республикада 4 893 та давлат мақтабгача таълим муассасаси фаолият олиб бораётган бўлиб, уларни молиялаштиришига фақат 2016 йилда Давлат бюджетидан 1,6 триллион сўм ажратилган. Ушбу соҳада соғлом ва ҳар томонлама ривожланган ўсиб келаётган авлодини тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган 57 миңдан ортиқ мутахассислар меҳнат қилмоқда.

Шу билан бирга, мақтабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга айрим тизимли камчиликлар тўғрисида қилмоқда.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, мақтабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги тизими мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, мазкур соҳани янада ривожлантириш учун инновацион қарорларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермапти.

Мақтабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базасининг

ҳозирги ҳолати болаларни мақтабгача таълим билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга имкон бермапти. Мақтабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг паст даражаси болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир малкали мутахассислар билан таъминлай олмади.

Мақтабгача таълим муассасаларида болаларнинг озик-овқат, моддий таъминоти ва уларга тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишда ҳам жиддий камчиликлар кузатишмоқда.

Шу муносабат билан, Давлат раҳбари томонидан 2017 йил 9 сентябрда қабул қилинган "Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор билан Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мақтабгача таълим соҳасидаги фаолияти қриқарисиз деб топилди.

Қарорда мақтабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мақтабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ва республиканинг вилоят марказларида

эксперимент тарикасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги мақтабгача таълим муассасаларини ташкил этиш белгиланди.

Давлат раҳбари томонидан ташаббус қилинган давлат-хусусий шериклик механизми замонавий ва ҳаммабоб мақтабгача таълим муассасаларини ташкил этиш учун инвесторларга ер участкалари ва бўш турган биноларни 50 йил мuddатга бегараз ажратишни кўзда тутди.

Инвесторлар ташкил этилаётган мақтабгача таълим муассасаларида давлат таълими талабарига, санитария-гигиена ва бошқа нормаларга риоя қилиш, келишув амал қилишининг бутун мuddати давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш, шунингдек, мақтабгача таълим хизматини кўрсатиш нархининг мақбуллиги ва арзонлигини таъминлаш учун масъул бўлиши назарда тутилмоқда. Бунда инвесторларга кенг солик имтиёзлари ва бошқа преференциялар, шунингдек, имтиёзли кредитлар тақдим этилади.

Бинобарин, Тошкент шаҳридаги давлат мақтабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари билан тегишли талабарга жавоб берадиган озик-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатлари етказиб бериш тўғрисида тўғридан-тўғри шартномалар тузишга эксперимент тарикасида рухсат этилди.

Мазкур экспериментлар якунлари бўйича республиканинг бошқа ҳудудларида давлат-хусусий шериклик механизмининг учун мақтабгача

таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш тартибини жорий этиш масаласи кўриб чиқиши назарда тутилмоқда.

Қарор билан ушбу соҳадаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасида мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" ҳам тасдиқланди.

Мақтабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия ташкил этилди. Комиссия томонидан мақтабгача таълим соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқлар, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни юзга келтирувчи нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлил этиш, шунингдек, мақтабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўққинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда комплекс ўрганиш ишлари амалга оширилади. Бунда зарур инфратузилмани яратиш ва мақтабгача таълимнинг хусусий секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шу билан бир қаторда, сифатли мақтабгача таълимни ташкил этишга давлат талаблари, шу жумладан, мақтабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилади.

Шунингдек, миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқиш уйғо-

тувчи ўқув-методик, дидактик материалларни тайёрлаш ҳамда жорий этиш ишлари ҳам замонавий талабарга мувофиқлаштирилади.

Қарорда ваколатли давлат органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига мақтабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилишни соддалаштиришни ҳам ўз ичига олган ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилди.

Нодавлат мақтабгача таълим тизимини кенгайтириш мақсадида Комиссияга мавжуд амалиёт ва илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, нодавлат мақтабгача таълим муассасалари фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш топширилди.

Ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, мақтабгача таълим соҳасида қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини сифат такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг амалга оширилиши мамлакатда мақтабгача таълим тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, мақтабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини тубдан яхшилаш имконини беради.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ — ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Uaport.net интернет наشري ўз мақоласида бундай ёзади: «Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ислом олами жаҳон илм-фани ва цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссаси билан фахрланишга тўла ҳақли экани, Марказий Осиё ҳудуди Эса Шарк Ренессансининг йирик маркази сифатида маълум ва машҳур бўлганини таъкидлади. Алгоритм асосчиси Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фарғоний, кўлаб фанлар ривожига улкан ҳисса қўшган Ибн Синонинг бой илми ва маънавий меросининг беқиёс аҳамияти тобора ортимоқда».

«Биз Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий кўмитаси фаолиятини юксак баҳолаймиз ва унинг ишида янада фаол иштирок этишни режалаштирганмиз. Ташкилотимизнинг мазкур йўналишида ўн йиллик ҳаракатлар дастури натижалари белгиланган мақсадларга эришилганидан далолат беради, дея таъкидлади Ўзбекистон Президенти», деб ёзади интернет наشري.

vb.kg интернет портали Шавкат Мирзиёевнинг ИХТга аъзо давлатлар олий таълим муассасаларининг халқаро даражаси пастиги борасидаги сўзларига эътибор қаратган: «Аъзо давлатларнинг фақатгина 11 та олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500 та энг яхши университети рейтингидан ўрин олган, холос. Ёки 2015 йилда

дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги биру ўндан тўққиз фоизни ташкил этган».

Sputniknews-uz.com давлатимиз раҳбарининг ИХТга аъзо айрим давлатлар ўз молиявий салоҳиятидан фан ва технологияларни ривожлантиришда фойдаланмаётгани тўғрисидаги сўзларини келтиради: «Ақсарият мусулмон мамлакатлари бой табиий захираларга, катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодиётга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этиш лозим».

«Ўзбекистон раҳбари мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлиқни мустахкамлаш ҳамда глобал иқлим ўзгариши масаласига кўпроқ эътибор қаратиш, юқори самарали компьютер марказларини яратиш, ёш олимлар ва ёшлар билан комплекс ишлаш орқали ушбу вазиятдан чиқиш мумкинлигини таъкидлади», деб қайд этади манба.

Kazpravda.kz наشري ИХТ Доимий кўмитасининг аъзо давлатлар ҳудудида олти Юқори самарали компьютер марказини ташкил этиш тўғрисидаги тавсиясига мувофиқ, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон шундай марказлардан бирини ўз ҳудудида жойлаштиришга тайёр эканини билдиргани ҳамда Мусулмон олами ёш олимлари халқаро марказини тузишни тақлиф этганига алоҳида эътибор қаратган.

Шавкат Мирзиёевнинг навбатдаги ИХТ Фан ва технологиялар саммитини Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги тақлифи ҳам хорижий оммавий ахборот воситаларининг алоҳида эътиборини тортиди.

Мазкур масала ҳақида тўхталар экан, **Kant.kg** давлатимиз раҳбарининг кўйидаги сўзларини келтиради: «Аъзо давлатларнинг барқарор иқтисодий ривожланиши, аҳолининг муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш мақсадида Фан ва технологиялар бўйича саммитни ҳар уч йилда бир марта ўтказишни ва ушбу тақлиф қўллаб-қувватланган тақдирда, кейинги саммитни 2020 йилда Ўзбекистонда ўтказишга тайёр эканимизни билдирмоқчиман».

Ушбу ташаббус **ca-news.org** веб-сайти материаллари ҳам ўз аксини топан: «Остона саммитида сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ИХТнинг Фан ва технологиялар бўйича саммитига мезбонлик қилишга тайёрлигини билдирди».

Интернет наشري Ўзбекистон раҳбарининг ушбу ташаббуси Ташкилотга аъзо давлатлар томонидан кенг қўллаб-қувватланганини қайд этади ҳамда ИХТ Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити Остона декларацияси бандларидан бирини келтиради: «Ислом ҳамкорлик ташкилоти аъзо мамлакатлар Ўзбекистон Президентининг ИХТ Фан ва технологиялар бўйича иккинчи саммитини

Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги тақлифини мамнуният билан қабул қиладилар».

«Биз ИХТ Бош қотибияти ва КОМСТЕК (ИХТнинг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий кўмитасини) Ўзбекистон ҳукумати билан Ўзбекистонда ИХТ Фан ва технологиялар бўйича иккинчи саммитини қақаришга керакли тайёргарлик ишларини бошлашга ваколат берамиз», дейилади декларацияда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган ИХТ саммитидаги нутқи оммавий ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди, интернет тармоғи фойдаланувчилари томонидан ижобий баҳоланди ва фаол қўллаб-қувватланди. Нутқ бўйича қўллаб-қувватланди билдирилгани ва ундаги фикрлар турли нашрларда қайта чоп этилгани ҳам шундан далолат беради.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан ИХТ саммитида Ташкилотнинг фан ва технологияларни ривожлантириш соҳасидаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга доир билдирилган ташаббуслар интернет ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланди ва кенг қўллаб-қувватланди, бугун ҳам интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқлар диққат марказида бўлиб турибди.

2017-yil 13-sentabr, № 73 (9034)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўргатиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида мамлакатимизда чет тилларни ўқитиш тизими тубдан ислох қилинди. 1-синфдан бошлаб ўқувчиларга хорижий тилларни ўргатиш йўлга қўйилди. 1—4-синф ўқувчиларининг сифатли таълим тарбия олиши, айниқса, чет тилини мукаммал ўргатиши учун етарли шарт-шароит яратиб берилди. Таълим муассасаларидаги синфхоналар зарур техника воситалари билан bosqichma-bosqich жиҳозланди.



Dolzarb mavzu

раги фаолият кўрсатиб турди.

Сергели туманидаги 317-мактаб ўқувчиси Абдухамид Адинаров сўз бойлиги камлиги туфайли расмга қараб мавзунини баён этишга қийналарди. Ўқувчи ёзги таътилда ўз устида кўпроқ ишлаб, устози Раъно Мирзаевдан "Speaking" йўналишида кўшимча таълим олди.

— Ўтган ўқув йилида таълим масканимизда ўқувчиларнинг инглиз тилини ўзлаштириш даражаси 76,4 фоизни ташkil этди, — дейди Бекобод шаҳридаги 3-мактаб ўқитувчиси Дилобар Эргашева. — Чека туман мактабларида педагог ходимлар етишмаслиги боис бир синфга икки ёки уч гуруҳдаги ўқувчиларни йиғиб дарс ўтиш, баъзан ёш ўқитувчиларнинг тажрибасизлиги ўқувчи билим савиясига таъсир этувчи омил экани кўзга ташланади. Чет тилини мукаммал ўргатиши учун индивидуал шугулланиш, синфдаги ўқувчиларни гуруҳларга ажратиб машғулоти ташkil этиш лозим. Синфхона ёки ўқитувчи етишмаслиги сабаб 30 нафар болага бирдек сабоқ берилади ва натижа қутилгандек чиқмайди. Сабаби, улар орасида кимдир эшитганда, кимдир кўрганда ва яна кимдир ўқиганда мавзунини яхшироқ тушунади. Айрим ҳолларда ўқувчиларнинг дарсликдаги мураккаб мавзуларни қабул қилиши қийин кечяпти. Масалан 4-синф "Kids' English" дарслигида грамматикага оид "Ўтган замон нотўғри ва тўғри феъллар" ва "Ўтган замон феълнинг бўлишсизлиги шакли" мавзусини ўзлаштириш бироз қийинчилик туғдириди. Шу боис 5-синф дарслигига ушбу мавзулар такроран киритилди.

Бу муаммо пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 216-мактабда ҳам мавжуд. Муаммони бартараф этиш мақсадида суз ўлаштирувчи болалар илгор ўқувчиларга бириктирилиб, кўшимча тўғрақларга жалб қилинмоқда.

Гоҳида ўқувчилар она тилини пухта билмаслиги оқибатида чет тилидаги сўзларнинг маъноси, грамматикасини яхши эслаб қолишолмайди. Шунинг учун бошланғич таълим ҳамда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси тажрибали бўлиши керак.

Мухтасар айтганда, ўтган йилларда нафақат ўқувчилар зарур билимларни эгаллади, балки ўқитувчилар ҳам чет тилини ўқитиш борасида керакли тажриба тўплади. Бироқ фарзандларимиз чет тилини мукаммал ўргатиши, саёй-ҳаракатларимиз зое кетмаслиги учун камчиликларни бартараф этиш, ўқитувчиларнинг маҳоратини янада ошириш лозим.

Шоира БОЙМУРОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

Ўқувчилар чет тилини қандай ўзлаштирамоқда?

Мониторинг натижалари таҳлил қилинди

Айни кунда умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган 30 мингга яқин хорижий тил ўқитувчиларининг касб маҳорати ошириб борилмоқда. Шу мақсадда 675 та таянч мактаб базасида ташkil этилган ҳафталик ўқув курсларида жорий йил 910 нафар тренер ўқитувчи ўқитилди. ЎзДЖТУ ҳузуринда чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказида тренер ва ўқитувчиларга мўлжаллаб тайёрланаётган ўқув материаллари худудий малака ошириш институтлари томонидан ўқитувчиларга етказиб берилди.

2016-2017 ўқув йилида 4-синфни тамомлаган 537 мингдан ортиқ ўғил-қиз инглиз, немис ва француз тилидан муайян билимга эга бўлган илк қалдирғочлардир.

— Ёш авлоднинг чет тилини ўрганишга иштиёқи кундан-кунга ортиб бормоқда, — дейди Халқ таълими вазири Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи вазири Нозирова. — Бугун ўн ёшга кирган ўқувчи ўқув дастурида белгиланган юкларни, чет тилини ўрганишнинг дастлабки кўникмаларини эгаллади. 4-синф битирувчиларининг чет тилидаги нутқи ва талаффузи эски ўқув дастури асосида билим олган 5—6-синф ўқувчисининг кўникмасидан анча юқорилиғи сезилади. Мониторинг натижаларига кўра, республика бўйича бошланғич синфларда инглиз тилини ўзлаштириш да-

ражаси умумий ҳолатда 86,4 фоизни ташkil этди. Уларнинг дарсликдаги топшириқларни ўзлаштириши ўртача 77,7 фоиз, тинглаб тушуниш кўникмалари шакланганлиги 80 фоиз, гапириш кўникмаси 85 фоизга етди. Айтиш жоизки, бу кўрсаткичлар билан чекланиб бўлмайди. Ўқувчилар чет тилини янада мукаммал ўзлаштириши учун соҳа ходимлари тинмай изланиши керак. Жумладан, чет тили дарсликлари таркибидаги ўқув дастурининг изчиллигини таъминловчи ўқув-методик мажмуалар (дарслик, иш дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма ва мультимедиа ресурслари)дан унумли фойдаланиш зарур. Қолаверса, бошланғич таълимнинг ҳар бир синфида ўқувчилар учун белгиланган берилган лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенцияни шакллантириш устида ҳам пухта ишлаш талаб этилади.

Инглиз, француз ва немис тилидан ўқув-методик мажмуалари ва дарсликларининг барча бўлимлари ягона схема асосида қурилган. Ушбу ўқув-методик мажмуаларда ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув кўникмаларини ривожлантиришга эътибор қаратилган. Бола психологияси ва ёшга мос ўйинлар ҳамда АКТ ёрдамида уларга хорижий тил чуқур ўргатилмоқда. Педагоглар машғулота ижодий ёндашиб, ўғил-қизларнинг аудиолингвистик қобилиятини ўстиришга ҳисса қўшаётир.

— Бу йил 5-синфга қадам қўйган 136 нафар ўқувчиларнинг ҳаммаси инглизчада сўзлаша олади, — дейди Шайхонтохур туманидаги

20-мактаб директори Шахноза Қосимова. — Уларнинг чет тилини ўзлаштирганлик даражаси 86 фоизни ташkil этди. Ўғил-қизларнинг билимини янада ошириш мақсадида мактабимизда кўшимча тўғрақлар ишляпти. Тадбирлар ташkil этиб, ота-оналарни ҳам тақлиф қилдик. Ўқувчиларнинг билимга чанқоқлиги, фаолиги турли тадбир ва интеллектуал мусобақаларда ҳам билинади. Масалан, билимлар беллашуви, "Мен севган машғулоти", "Энг билимдон ўқувчи", "Мушоира машқи" каби кўрик-танловларда истеъдодли ўқувчилар сараланади.

Аммо ҳамма мактабларда ҳам 4-синфни тамомлаган барча ўқувчилар чет тилини белгиланган талаб даражасида ўзлаштириши дейиш қийин. Бунинг сабабларини ўрганганимизда, айрим ўқувчиларнинг ўзида билим олишга иштиёқ, иқтидор йўқлиги, гоҳида ўқитувчининг касбий маҳорати пастлиги сабаб бўлаётгани ойдинлашди. Чет тили таълимини янада кучайтириш учун фан ўқитувчиси ўз ишига масъулия билан ёндашиши, янгилик ва интилиши, дарс таҳлиliga методистларни жалб этиши, коммуникатив компетенция — чет тили бўйича эгаллаган билим, малака ва кўникмаларни мулоқот жараёнида қўлай олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Бу борадаги ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида бир қатор мактабларда бўлиб, 4-синфни тамомлаган ўқувчилар билан суҳбатлашдик.

Яхё Каримов ҳам тўрт йил давомида чет тилини ўрганди. Унинг ёз фаслида нималар билан шугулланган-

ни, янги ўқув йилига қандай тайёрлангани, чет тилини қай даражада билишига қизиқдик. Ўқувчи 500 та лексик бирлиكنинг юзтасини ҳам ўзлаштира олмаган. Шундан сўнг у таълим олаётган муассасадаги муҳит билан танишдик.

— Ўтган ўқув йили натижалари мониторинг қилинганда, 4-синфни тамомлаган 330 нафар ўғил-қизнинг 45—50 фоизи чет тилини яхши ўзлаштира олмагани ойдинлашди, — дейди Учтепа туманидаги 44-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Замира Колефникова. — Демак, фаолиятимизда камчиликлар бор. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бераётган ёш педагогларнинг бироз тажрибасизлиги боис амалий жараёнлар ҳар доим ҳам кўнгилдагидек олиб борилмаган. Олий ўқув юртини эндигина битириб келган ёшлар ўқувчиларга дарс беришда тайёр материаллардан фойдаланиб, уларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятини ҳисобга олмайди. Ўзлаштиришда ортада қолаётган ўқувчи билан индивидуал ишлашда ҳам эътиборсизлик қилинган. Афсуски, янги ўқув йилида айни шу ўқувчилар 5-синф талабларини ҳам бажаришга қийналади. Юқоридаги камчиликни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқдик. Биринчи навбатда ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, уларга керакли методик ёрдам бериш мақсадида ўқув-семинарлар ташkil этдик. Ёш кадрларни тажрибали чет тили ўқитувчиларига бириктириб қўйдик. Таътил пайтида ҳам мактабимизда инглиз тили тўга-

Yangiliklarda yurt nafasi

❖ **Кармана туманида "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" мавзусида республика илмий-амалий семинари ўтказилди.**

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шоир ва ёзувчилар, журналистлар, ёшлар иштирок этди.

— Тенгдошларимиз билан китобхонлик тадбирлари ва турли маърифий беллашувлар ўтказишни анъанага айлантирганмиз, — дейди Кармана туманидаги 4-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Иброҳим Ғафоров. — Масалан, мен ўзим бугунги кунгача 50 дан ортиқ бадий асарни ўқиб чиқдим. Жаҳон ва миллий адабиётимизнинг сара асарларини китоб жавонимга йиғишга ҳаракат қиляпман. Оилада ота-онам бунинг учун зарур шароитлар яратиб берган.

Семинарда ёшлар ўртасида маънавий тарғибот ишларида фаол иштирок этган, ташаббускор, фаол ёшлар ҳамда давлат ва жамот ташкилотлари ходимлари китоб ҳамланмасидан иборат махсус совғалар, ташаққурнома ва диплом билан тақдирланди.

Навоий давлат кончилик институтида ҳам шундай семинар ташкил этилди.

❖ **Самарқандда "Энг намунали оила" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Самарқанд вилояти хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда 16 туман ва шаҳардан келган намунали оилалар вакиллари иштирок этди.

— Халқимизда оила мустақам бўлса, жамият барқарор бўлади деган гап бор, — дейди Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Ғафурова. — Бу бежиз эмас, албатта. Чунки оиладаги соғлом ижтимоий-маънавият муҳит камолга етаётган ёшлар таълим-тарбияси, тафаккури ва дунёқараши шаклланишида муҳим аҳамият касб этади, жамиятнинг бугуни ва эртанги кунини белгилайди. Шу боис мамлакатимизда ёшларни оилага тайёрлаш, оилани муқаддас қадрият сифатида асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иштирокчилар ўз оилаларидаги муҳит, ота-она ва фарзандлар муносабати, кўни-кўншлилар билан яқинлик, таълим муассасалари билан ҳамкорлик ва китобхонлик маданияти ҳақида маълумот берди. Оила аъзоларининг тадбиркорлик, томорқадан самарали фойдаланиш борасидаги тажрибаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, "Оила мустақамлиги — юрт тинчлиги" мавзусидаги видеоролик ва слайдлар намойиш этилди.

Каттақўрғон шаҳрида яшовчи Ғулмушера Ражабов оиласи энг намунали деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўланма олди.

❖ **Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида озон қатламни ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгаришига бағишланган халқаро фотосуратлар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.**

Халқаро фотосуратлар танлови озон қатламни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришининг олдини олиш, сайёрамизнинг экологик ҳолатига тобора ортинг бораётган антропоген таъсири камгайтириш борасидаги савий-харакатларни бирлаштиришда халқаро миқёсдаги хабардорлик даражасини ошириш мақсадида ўтказилди.

Танлов "Озон қатлами ва мен" ва "Иқлим ўзгариши меннинг нигоҳимда" каби икки йўналишда бўлиб ўтди. Танловда Австралия, Озарбойжон, Арманистон, Бангладеш, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Қозғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, АҚШ, Франция каби олтинчига яқин давлатдан 285 иштирокчи ижодий ишлари билан қатнашди. Бундан ташқари, танловга сув танқислиги муаммосини очиб бериш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва курғокчиликка қарши курашишга доир Марказий Осиё минтақавий экологик маркази фаолиятини акс эттирувчи фотосуратлар ҳам юборилди.

Танловга юборилган фотосуратлар 3 босқичда нуфузли халқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан онлайн овоз бериш йўли билан сараланди. Ғолиблар махсус сертификатлар билан тақдирланди.

Фотосуратлар виртуал кўргазмаси билан www.envcontest.uz сайтида танишиш мумкин.

❖ **Фарғона туманида "Шифобахш Чимён" санаторийси фойдаланишига топширилди.**

Чимён қишлоғидаги беш турган бино ноле қийматда тадбиркор Абдухалил Мамадиевга берилиб, бу ерда уч миллиард сўмга яқин инвестиция йўналтирилди. Замонавий тарзда қурилган ситхатгоҳда 55 янги иш ўрни яратилди.

Асаб тизими, ҳаракат-таънин, ошқозон-ичак касалликларини даволашга ихтисослашган 74 ўринли ситхатгоҳда шифобахш сув билан даволанилади. Ётоқхона, дам олиш, муолажа хоналарида даволанувчилар учун барча шароит яратилган. Муассаса ҳудудининг хушманзаралиги, турли спорт майдончалари дам олувчиларнинг вақтини мазмулли ўтказишга хизмат қилади.

— Бу ердаги шароитларни кўриб дилингни яйрайди, — дейди меҳнат фахрийси Хусан Камбаров. — Мазкур ситхатгоҳ халқимиз учун катта туҳфа бўлди. Кўплаб юртдошларимиз бу ерда дам олиб, соғлигини тиклайди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Ўзлуксиз малака ошириш таълим сифати ва самарадорлигини таъминлайди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 2 август кuni ўтказилган "Умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда босқичма-босқич 11 йиллик мажбурий ўрта таълимни жорий этиш масалалари ҳақида"ги мажлисда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида халқ таълими тизимида раҳбар ва педагог ходимларнинг ўзлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш механизми ишлаб чиқилди.



В.Гранкин олган суратлар.

Илгор педагогик тажрибага эга ижодкор, ташаббускор, фидойи раҳбар ва педагоглар тажрибасини оммалаштириш, педагогика соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини таъминлаш, мустақил таълим, қисқа муддатли ва сайёр малака ошириш жараёнларини тизимли ташкил этиш асосида халқ таълими тизими раҳбар ва педагог ходимлари касбий компетентлигини ривожлантириш ва замонавий таълим муассасалари сафини кенгайтириш мақсадида ҳар бир туман (шаҳар) халқ таълими бўлимида методист ўқитувчилар мактаби фаолиятини йўлга қўйиш белгиланди.

Чилонзор туманидаги умумтаълим мактабларида ўтказилган фанлар кесимидagi "Ме-

тодист ўқитувчилар мактаби" фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича республика ўқув-семинарида ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари раҳбар ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, пойтахт мактабларида фаолият олиб бораётган тажрибали методист ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари иштирок этди.

Ўқув-семинарда ҳар бир туман ва шаҳарларда "Методист ўқитувчилар мактаби" ва "Методист мураббийлар муассасаси", "Замонавий таълим муассасалари", "Инновацион таъриба-синов муассасалари"ни ташкил этиш бўйича батафсил маълумот берилди.

Жумладан, 182-мактабда ўтказилган "Замонавий таълим муассасаси директори" мавзусидаги очик дарсда республи-

камизнинг барча ҳудудларидан келган мактаб директорлари иштирок этди.

— Республика бўйича барча туман, шаҳарларда методист ўқитувчилар мактаби ташкил этилаётгани ўзлуксиз малака ошириш жараёнини янги сифат босқичига кўтарди, — дейди Фарғона вилояти халқ таълим бошқармаси бошлигининг ўринбосари Но-

диржон Аҳмедов. — Бугунги тадбир давомида хорижий ва миллий илгор педагогик тажрибаларни ўрганиш, улар асосида методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, ҳар бир фан бўйича яратилган янги дарслик, ўқув-методик қўлланма, электрон ахборот-таълим ресурсларидан умумли фойдаланиш бўйича тушунчаларга эга бўлди. Семинарда Халқ таълими вазирлиги мутахассислари жорий этилаётган мазкур янги тизимнинг мазмун-моҳияти хусусида тушунча беришди. Бу каби ўқув-семинарлар пойтахтимиздаги 114-, 188-, 183-мактабларда ҳам ўтказилди.

Феруза ХОЛМУРОВА, «Ma'rifat» мухбири

«Болалар китоби» III республика фестивали

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида «Болалар китоби» III республика фестивали олдидан тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишга доир матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда фестивал ташкилотчилари, нашриёт муҳаррирлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

«Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажак!» шiori остида ўтказилаётган мазкур китоб байрами жорий йилнинг 14-17 сентябрь кунлари Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларида ташкил этилади.

— Фестивалдан кўзланган асосий мақсад келажак авлоднинг интеллектуал ривожланган, ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб вояга етиш китобнинг ўрни, аҳамиятини кучайтириш,

— дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ОАВ ва нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош муҳаррири Мухиддин Омонов. — Шунингдек, тадбир болалар адабиётининг савияси ва салмоғини ошириш, шу йўналишга ихтисослашган нашриётлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

«Болалар китоби» III республика фестивалида юртимизда фаолият юритаётган 60 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари ўз китоб маҳсулотлари билан иштирок этди. Унда янги китоблар тақдими, халқ шоирлари, ёзувчилари, ёш ижодкорлар билан учрашув, мушоира, интеллектуал викториналар ташкил этилади. Фестиваль пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари учун Ғафур Ғулум номидаги маданият ва истироҳат боғида сайил тарзида ўтказилади.

Шохсанам МАҲМУДОВА

Маънавият кечаси ўтказилди

Паркент туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабида «Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!» шiori остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ёшлар иттифоқи туман кенгаши томонидан «Булоқбоши» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу кечада туманнинг таниқли ижодкорлари ва мактабнинг собиқ ўқувчилари иштирок этди.

— Мана шу мактабда бундан бир неча йиллар олдин жисмоний тарбия фанидан дарс берганман, — деди меҳнат фахрийси Арслонхожи Тожибоев. — Уша пайтларда туманимиз бўйича фақат 4-мактабдагина спорт зали бор эди. Шунинг учун ўқитувчилар, мураббийлар 4-мактабга талпинаверарди. Шўқри, бугун туманимиздаги барча мактабларда спорт билан

шуғулланиш учун, жисмоний тарбия дарсларини мазмулли ўтиш учун шароитлар яратилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман кенгаши раиси Шораҳим Шоназаров, шоир Икром Ортиқов, «Паркент тонги» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Тўйчибой Дўстматов мустақиллигимиз билан боғлиқ ўзгаришлар, яратилган улкан имкониятлар ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Зоҳиджон ХОЛОВ, «Ma'rifat» мухбири

2017-yil 13-sentabr, № 73 (9034)

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси, экологик фан, таълим, тарбия ва маданиятни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128 та моддасидан 5 таси (50, 54, 55, 93, 100) бевосита экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган. Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам атроф табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва гендерга асосланган экологик муаммоларнинг олдини олиш масаласи кўйилган.

Экологик вазиятни яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, умуман, ҳар бир кишида кенг экологик дунёқарашни шакллантириш замон талабидир. Табиатни асраш, экологик мувозанатни барқарорлаштириш учун, энг аввало, ёш авлоднинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир билим, кўникма ва малакасини бойитиш керак. 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида "...барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги" акс эттирилган. Аммо бу ҳуқуқий норма 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонунда ўз аксини

Экология — экотизимларда организмлар ўзаро ва уларнинг атроф-муҳити ўртасидаги алоқадорлик қоидалари ва қонуниятларининг илмий-назарий-амалий асосларини тадқиқ қилувчи фан; унга доир кишиларга билим, кўникма ва малака — компетенцияларни берувчи таълим; ушбу алоқадорликни оптималлаштиришга қаратилган амалиёт тармоғи.

топмади, яъни қонунлар мувофиқлашмай қолди.

Бундан ташқари, ўтган йилларда экологик таълим бўйича қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. 2005 йил 7 ноябрда Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қўшма қарори билан "Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари" концепцияси ва дастури қабул қилинди. 2008 йил 18 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг 212-сонли қарори билан тасдиқланган "2008 — 2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури"да барқарор ривожланиш мақсадида узлуқсиз экологик таълим тизимини янада ривожлантириш ва экологик билимларни кенг тартиб қилиш вазифалари кўйилди.

Аммо тегишли давлат органлари томонидан амалга оширилган ва ишларни ягона узлуқсиз таълим тизимига мос келади, дейиш қийин. Ушбу давр ичида экологик таълимга оид режаласhtirilgan ишлар фақатгина 15–20 фоиз атрофидан bajarilayotgani. Экohаракат депутатлари томонидан қайд этилган. Бунга Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги "Биозоосан" мактабдан ташқари таълим муассасасининг "Туризм ва ўлкашўнослик" ташкилоти билан қўшилиб кетгани, мактаблардаги экологиядан 2 соатлик маърузалар ҳар жума кунини ўқувчилардан маънавият соатларига бериб юборилгани, ўрта махсус таълим муассасаларида экология фанининг мажбурий блоклардан чиқарилгани, олий ўқув юртида экология "Ҳаёт хавфсизлиги", "Иқтисодий география", "Иқтисодиёт", "Атроф-муҳит муҳофазаси" фанлари билан қўшиб юборилгани кабилар сабаб бўлди.

Бугунги кунда экологик таълимни замонавийлаштириш, амалий аҳамиятини ошириш учун "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилган узвийлик ва узлуқсизлик, тизимлилик, ихтисосликка томон йўналтирилганлик принципларига мослаштириш қандай бўлмоғи керак, деган саволга жавоб топиш лозим. Умуман олганда, экологик фан → таълим → амалиётнинг ягона тизимини жорий этиш шу куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Экологик таълимнинг мақсади — ҳозирги ва келажак авлодларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун уларнинг яшаш макони бўлган экотизимлар хавфсизлигини экологик таълим, тарбия ва амалиёт бирлиги орқали таъминлаш.

Экологик таълим, тарбия ва амалиёт куйидаги уч йўналишдаги тадқиқот қилиш, ўргатиш ва амалга жорий этиш предметида ўз аксини топади:

- экотизимларни муҳофаза қилиш;
- экотизимларнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

Экологик таълим

муаммо ва ечимлар

ларидан оқилона фойдаланиш;

• бузилган экотизимларни қайта тиклаш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун куйидаги вазифаларни бажариш талаб этилади:

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар асосида экология ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича режа ва дастурлар ишлаб чиқиш;

экологик таълим-тарбияни амалиётга жорий этиш йўналишида аниқ механизми яратиш;

экологиянинг умумэтироф этилган илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш;

мазкур фан тарихи, ҳозирги ҳолати ва истиқболини турли экотизимлар доирасида баҳолаш;

ҳаракатлар дастури ва концепцияни ишлаб чиқиш;

тактик ва стратегик ривожланиш режаларини қабул қилиш;

соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш;

бу йўналишдаги қонунчилик базасини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва уни амалиёт билан боғлаш механизмини яратиш;

миллий экологик таълимнинг мажбурийлик принципини амалда қўллаш; амалиётда экологик мотивацияланган бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

экологик хизмат кўрсатувчи "тез ёрдам" фирмаси ва жамғармасини тузиш ёки улар фаолиятини ривожлантириш зарур.

Юқорида баён этилган экологиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда узлуқсиз экологик таълимнинг мазмун-моҳияти куйидагича бўлиши мақсадга мувофиқдир:

Мактабгача таълим муассасаларида боланинг экологик онгини ривожлантириш учун табиат қўйнида очик мулоқотлар уюштириш, атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурини бойитиш учун расм чиздириш, шеър ёдлатиш ва турли ўйинларга жалб этиш; 11 январь — Қўриқхоналар кўни, 1 март — Халқаро қўшлар кўни, 21 март — Наврўз байрами, 22 апрель — Халқаро ер кўни, 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўнига бағишлаб турли маърифий тадбирлар ташкил этиш лозим.

Мактаб ва мактабдан ташқари таълимда экологик таълим амалдаги фанларга интеграллашган тарзда эмас, балки математика, физика, она тили каби махсус ўқув курсларини ўқитиш

қоидасидан келиб чиқиб; дифференциаллик, яъни боланинг ёши, жисмоний имконияти ва психологик хусусиятини инобатга олган ҳолда жорий этилиши лозим. Бунда билим олиш оддийдан мураккаблик сари давом этиб, юқори синфларга "Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси" ўқув курсини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Экологик фанлар тузилиши ва машғулотлар вақти тахминан куйидагича бўлиши мумкин:

1-синф. "Менинг яшаш маконим" — 3 соат;

2-синф. "Биз ва атроф-муҳит" — 4 соат;

3-синф. "Инсон ва табиат" — 6 соат;

4-синф. "Табиатни асраш" — 6 соат;

5-синф. "Экология алифбоси" — 8 соат;

6-синф. "Экологик онг ва маданият" — 8 соат;

7-синф. "Регионал экология" — 8 соат;

8-синф. "Глобал экология" — 8 соат;

9-синф. "Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси" — 8 соат.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимида экологик таълим табақалашган тарзда амалга оширилади. Академик лицейларнинг нозокологик таълим муассасаларида "Амалий экология" ўқув курси сифатида ўтилиши зарур. Унда умумэкологик таълим талаблари билан бир қаторда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг кундалик қоидалари ўқувчига уқтириб борилади.

Касб-хунар коллежларида экологик таълим куйидагича интеграциялаштириш, ихтисосликка йўналтирилиши лозим:

• таълим соҳасида — "Экологик таълим-тарбия";

• гуманитар фанлар ва санъатда — "Экологик маънавият ва маърифат", "Экологик маданият";

• ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқда — "Ижтимоий экология", "Экология ҳуқуқи", "Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти";

• фанлар кесимида — "Экология асослари", "Экология назарияси", "Умумий экология";

• муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқларида — "Атроф-муҳит муҳофазаси ва экология";

• қишлоқ ва сув ҳўжалигида — "Қишлоқ ва сув ҳўжалиги экологияси" ёки "Агроэкология";

• соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотда — "Тиббиёт экологияси" ёки "Ижтимоий экология";

• хизматларда — "Экотуризм" ёки "Экологик хизматлар".

Агар бу машғулот турлари тўғри ташкил этилса, ўқувчиларнинг экологик компетенцияси талаб даражасида шаклланади. Яъни, улар касбий меҳнат фаолиятига муносиб тайёрланади.

Олий таълимнинг бакалаврият йўналишида экологик таълим касбга қараб йўналтирилади. Масалан:

• нозокологик йўналишда — "Касбий экология ва атроф-муҳит муҳофазаси".

• экологик ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишида — "Экология назарияси" ва ихтисосликка қараб танланган фанлар.

Магистратурада экологик таълим мутахассисликларга мослаштирилади. Жумладан, "Қурилишда экологик инновацион талаблар", "Нанотехнологиялар ва табиатни муҳофаза қилиш", "Туризм ва сервисда атроф-муҳит муҳофазасини оптималлаштириш" ва ҳоказо.

Магистрлик диплом ҳимояси PhD диссертациясининг жуда бўлмаганда учдан бир қисмини ташкил этиши, мав-

Fikr, mulohaza, taklif

зулари чуқур ўйланган, мутахассислар орасида кенг муҳокама этилган ва аprobanteдан ўтган бўлиши керак.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим: таълим докторантурада экологик таълим фалсафа доктори (PhD) минимум талабларида экология ва атроф-муҳит муҳофазасига ҳисса қўшганини кўрсата билиши лозим. Бунинг учун изланувчилар "Диссертацияларда экология ва атроф-муҳит муҳофазасига доир талабларни акс эттириш" мавзусида методик таълимномалар тайёрлаши, уларни <http://www.vak.uzsci.net>, <http://www.dad.idmnet.ru>, <http://www.commission-junction.com> каби веб-сайтларда жойлаштириши ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК талабларига киритиши керак.

Докторантурада докторлик диссертацияларига қўйиладиган мезонлардан бири — муаллифининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида илмий натижалари акс этиши талаб этилади. Зеро, иқтисодиётнинг барча тармоқларида экологик таълимнинг бажарилиши мажбурий конституциявий кучга эга.

Мустақил изланувчиликда мутахассисликни чуқур ўрганишда ҳам таълим докторантура ёки докторантурада қўйиладиган талабларга жавоб бера олиши лозим бўлади.

Экологик тарбия — шахсни бутун умри давомида экологик маънавият қилиб тайёрлаш воситаси. Одатда, экологик тарбия экологик таълим орқали кириб келади ва унинг натижаси экологик маданият билан баҳоланади. Чунки замонамизда юккак экологик маънавият (мафкуравий, ғоявий ва информация жўхатдан шакллани) ва мағрифатли (илмий ва ижодий устуворлик руҳида тарбияланган) шахсга экологик таълим орқали олган компетенцияларини маданият кўрсаткичларига олиб чиқа олади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш: Малака ошириш. Экологлар малака ошираётганларида экологик таълим → илм → тарбия → амалиёт уйғунлигининг замонавий талабларини масофадан туриб ўқитиш, синов натижаларини эса минтақавий миқёсда амалга оширишни йўлга қўйиш зарур.

Педагогларнинг малакасини оширишда — "Экологик таълим ва тарбия", "Барқарор ривожланиш таълимнинг экологик жиҳатлари" ўзлаштирилиши талаб этилади.

Қайта тайёрлаш эколог эмас, лекин экологияни ўзлаштироқчи бўлганлар учун ташкил этилади. Улар мутахассисликларга оид экология назарияси ва амалиётини ўзлаштиришлари, экологик маданият қоидаларини билишлари, касбий экологиядан адабиётларни таҳлил қилиши ва битирув-малакавий ишини ёзиши керак.

Миллий касбий таълим босқичларида экологик таълимни тизимлашган, регионаллашган ва ихтисосликка томон йўналтирилган тарзда ривожлантириш ёшларни тез ўзгарувчан ҳаётини ва меҳнат фаолиятига тайёрлашда, кенг мушоҳадали, мустақил фикрли шахслар этиб тарбиялашда, уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик ва толерантлик хислатларини шакллантириш орқали юккак экологик маънавиятли шахс сифатида тарбиялашда катта аҳамият касб этади.


Аскар НИФМАТОВ,
Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти кафедрa мудири, география фанлари доктори, профессор

Меҳнат қилиб топдим бахту саодат

Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,
37-модда.



O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 25 yilligi oldidan

Ўқувчилик йилларим. Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, бир оёғидан ажралган ўқитувчимизнинг дарсини ҳаммамиз интизор бўлиб кутамиз. У кишининг хар бир дарси бизга завқ-шавқ улашарди. Айниқса, уруш жабру жафосини чеккан кишининг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатларидан таъсирланиб кетавардик. Бир куни устоз тасодифан "Болалар, бахт нима?" дея савол берди. Жавобларимизни тинглаб бўлган, салмоқлаб шундай деди: "Бахт бу — шахсий ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиш, эркин меҳнат қилиш, касб-хунар танлаш, адолатли шaroитларда ишлаш ва фаровон яшашдир".

Биз таълим олган даврда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида гапиришга йўл қўйилмас, конституция ҳақида-ку, умуман тушунамиз бўлмаган. Вояга етдик, мактабни тамомладик. Ордан йиллар ўтди, юртимиз мустақил бўлди, сиёсат ўзгарди. Истиклол, инсон ҳуқуқ ва эркинлиги нечоғлиқ муқаддас неъмат эканлиги ҳақида ўйлар эканман, бизга сабоқ берган устознинг қиёфаси ҳали-ҳануз кўз ўнгимда намён бўлади.

Дарвоқе, мустақилликка эришганимиздан сўнг юрдошларимизнинг ҳаёт тарзи тубдан ўзгарди. Энг муҳими,

кишиларнинг конституциявий ҳуқуқлари таъминланди. 1992 йили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш имконини яратди. Ватандошларимиз кўксига шамол теғди, меҳнат қилиш, озми-кўпми Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшиш хар бир фуқаронинг қалб ширини айланди. Ўз меҳнати орқасидан фаровонликка эришиш том маънодаги ҳақиқат сифатида эътироф этилмоқда. Одамлар пешона тери билан толган пулига автомобиль харид қилиши, уй-жой қуриши, тўйлар ўтказиши мумкин. Айниқса, ёш авлодга таълим-тарбия беришни ўз умри мазмунига айлантирган ўқитувчиларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг меҳнати муносиб тақдирланаётгани биз педагоглар янада фидойий бўлиб, янгидан-янги ташаббуслар билан чиқишимизга замин яратмоқда.

Кўплаб ҳамкасбларим қатори қадр толган педагогман. Ўқитувчилик касби менга бахту саодат берди, обрў-эътиборга эришдим. 1998 йили "Шухрат" медали билан мукофотландим. Бу рағбат касбиятга янада садоқат, масъулия билан ёндашишга ундади. 2014 йили "Ўзбекистон

Республикаси халқ ўқитувчиси" унвонига сазовор бўлишим мени, бутун оила аъзоларим, жамоадoshларим, устоз шогирдларимни беҳад қувонтирди. Эъзозу эътирофларнинг барчасига ўз конституциявий бурч ва ҳуқуқларимни дилдан ҳис этганим орқали эришдим.

Ота-боболаримиз, устоз мураббийларимиз кенг имкониятлар яратилган дорилмомон замонга етиб келмади, бу бизга насиб этди. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар тўла таъминланган давлатда яшашнинг ўзи чинакам бахт, аслида. Эл орасида обрў-эътибор қозониш, иззат-икромга сазовор бўлиш хар бир педагогнинг орзусидир. Тарбиявий соат дарсларида ўқувчиларимга "Бахт нима?" дея савол берман. Улар бир-бирига гал бермай, мени ҳайратда қолдирганча теран ва ўринли фикр билдиришади. Ҳаёлимдан шундай фикр ўтади: "Мустақил Ватанимиз ёшларини қўллаб-қувватлаб турган давлатимиз омон бўлсин! Уларни бировдан кам қилмай ўстирадиган ота-онаси, тўғри йўлга бошлайдиган устоз-мураббийлари бор!"

Бахтиёр КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ ўқитувчиси

1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

Дунёда касблар кўпу, лекин улар орасида ўқитувчиликдек машаққатлиси, шарафлиси кам. Чунки ҳали дунёни англамаган бир болага билим бериб, унга ўзлигини таъиниш, илму хунар ўргатиб, маърифатли қилиш ўта заҳматли иш. Бу машаққатни ва унинг ортидаги муваффақиятни ўз касбини севган ҳақиқий ўқитувчигина чуқур англай олади. Мени ана шундай устозлар тарбиялаб, катта ҳаётга учирма қилишган эди. Ушанда устозларимга жудакам ҳавас қилардим. Хар нарса кўзимга сабоқ олиш ва илм ўргатиш билан боғлиқдек кўринарди. Англадимки, менинг ҳам тақдирим мактаб билан боғлиқ экан.

Тақдирим мактаб билан боғлиқ

Илк бор ўқитувчи бўлиб дарсга кирганимдаги ҳаяжонни яхши эслайман. Бир синф қорақўз "муаллим нима дер экан, нимани ўргатар экан?" дея сизга қараб туради. Бу табаррук "сахна"га чиқдингизми, бор маҳоратингизни ишга солиб, мурғак болалар қалбини, миясининг қатқатидаги ҳали очилмаган қирраларини илм зибси билан ёритишингиз керак. Меҳр ва билим, педагогик маҳорат нотаниш чеҳраларни бир зунда яқин инсонингизга айлантиради. Ҳанузгача дарсни бошласам, биринчи дарсимдаги ҳаяжон вужудимни қуршаб олаверади. Доимо олдимга қўйган мақсадимни аниқ чамалашга ва унга эришишга ҳаракат қиламан.

Кимё экспериментал фан, бевосита амалиёт билан боғлиқ. Дарсини сифати, ўқувчилар билими фан хонасининг ўқув-лаборатория асбоблари, ўқув куруллари билан тўлиқ жиҳозланишига боғлиқ. Мустақиллик йилларида бизнинг мактаб ҳам замон талабларига ҳаво берадиган, энг сўнгги русумдаги ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Натижада мактабимиздан кимё фани бўйича қўллаб-қувватлаш олимпиадаси, билимлар беллашуви голиблари етишиб чиқди.

Бугунги кунда кимё фани ривож дунёнинг тараққий этишида устувор аҳамият касб этмоқда. Шунга мос равишда мамлакатимизда ҳам кимё фани таълими янги ёндашув асосида такомиллашяпти. Биргина мисол, Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан шу йилнинг март ойидан кимё фани ўқитувчиларининг касбий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш мақсадида методистлар томонидан икки босқичли ҳаракатдаги ўқув машғулотларини ташкил этиш йўлга қўйилди. Машғулотларда ўқувчиларни фанга қизиқтириш бўйича аниқ услубий-методик тавсиялар, тақлифлар берилди.

Борлиқни, табиатни ўрганишда, ундан инсоний манфаати йўлида фойдаланишда кимё фанининг ўрни бекиёс. Кимёвий жараёнлар сабаб олам мудом янгилашиш ва ривожла-

нишда. Бу жараёнларнинг хар бири ҳақида соатлаб ҳикоя қилиш мумкин. Аммо муҳими бу эмас, балки мураккаб фани ўқувчиларга қандай қилиб содда усулда, кизиқарли тушунтириб беришда! Ҳаракатдаги ўқув машғулотларида тавсия этилган билимлар кимё фани ўқитувчиларининг айна шу саволига жавоб бўлди.

Дарсларимда ўқувчилар фикрини уйғотишга, фақат эшитувчи ва маълумотларни қабул қилувчи эмас, фаол аудиторияни шакллантиришга ҳаракат қиламан. Ўқитувчи ва ўқувчи тенг қадам ташласагина мувозанат сақланади ва кўзланган мақсадга эришилади. Миллий таълимимизнинг ўзига ҳослиги ҳам шунда.

Баъзан биз, ўқитувчилар ўзимизнинг жамиятдаги ўрнимиз, қадримиз ҳақида ҳам мушоҳада юритамиз. Шунда бот-бот шундай хулосага келамизки, муаллим жамиятнинг энг содда, камтар, фидойи бир қатлами. Қалб кўрнин сарфлаб, билим берган ўқувчисининг кичик ютуғи ҳам унга чексиз бахт ҳада этади. Гоҳида ўқувчиларимнинг бўйи чўзилиб қолгани, одоб-кимё фани бўйича қўллаб-қувватлаш олимпиадаси, билимлар беллашуви голиблари етишиб чиқди.

Яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида Президентимиз фармонига кўра, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони билан тақдирландим. Олис қорақалпоқ элининг чекка бир қишлоғида меҳнат қилаётган мен каби аёл учун бу катта шараф. Бу эътироф зиммамдаги масъулиятни юксалтириб, ёш авлод келажаги йўлида янада самарали фаолият юритишга ундамоқда.

Тамара БАЙМАНОВА,
Кораўзак туманидаги
31-ИДУМнинг кимё фани
ўқитувчиси,
Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган халқ таълими
ходими

Муסיқа — руҳият тарбиячиси

Муסיқа руҳиятни тарбияловчи қудратли куч. Бу сехрли оламга ошуфта кўнглиларни Яратган истеъдод отлиқ ноёб неъмат ила сийлаган бўлмоғи даркор. Ана шундагина муסיқий таълимнинг самараси кўламдор бўлади. Истеъдод учқуни меҳнат оташида товланиб, сайқал топиб бораверади.

Пойтахтимиздаги Р.Глиэр номидаги Республика иختисослаштирилган муסיқа академик лицейида болалар кўнглига йўл топиб, уларнинг иштиёқини рағбатлантираётган фидойи устозлар талайгина. Бағрига истеъдодли ўғил-қизларни жамлаган бу даргоҳ халқимизга кўплаб созандаю хонандаларни етиштириб берган.

Лицейнинг анъанавий ижрочилик бўлимида таълим бераётган Хилола Каримова ҳам шу даргоҳнинг тажрибали педагогларидан. Унинг шогирдлари юртимиз ва дунё микёсидаги турли кўрик-танловларда, концертларда муваффақиятли иштирок этиб келаётир.

— Бизда болалар билан якка тарзда машғул олиб борилади. Хар бир истеъдод эгасига индивидуал ёндашамиз. Бошида ўқувчиларга ўзим фортепианода журнализ бўлиб, овоз машқларини бажариб оламиз. Сўнгра хар



бир ўқувчининг ижро учун танланган асарига қараб журнализлар олинади. Масалан, Нодир Аликулов доирада, Толибхон Икромов қашқар рубобида журнализ бўлиб туришади. Ушбу мутахассислар ўқитувчи билан биргаликда боланинг ижро имкониятларини юзага чиқаришга кўмаклашади. Ўқувчиларда ўзига ишонч уйғотишга ҳаракат қиламан. Чунки ижрочининг ўзига, ўз имкониятига бўлган ишончи сахнада муҳим аҳамиятга эга.

МУХБИРИМИЗ

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

2017-yil 13-sentabr, № 73 (9034)

10-синфда дарс бошланди

2017-2018 ўқув йилидан умумтаълим мактабларида 11 йиллик таълим тизими қайта тиклангач, 9-синф битирувчиларининг 352 минг нафари 10-синфда ўқишни жонажон мактабларида давом эттирмақда.

— Ўқув режасига кўра, 10-11-синфларда 12 та фан ўқитилиши белгиланган, — дейди Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараёни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиги вазифасини бажарувчи Абдурахим Носиров. — 7 тилда жами 9 053 046 нуска дарслик ва ўқув-методик қўлланма ҳам мазмунан, ҳам дизайн жиҳатидан сифатли чоп этилиб, мактабларга етказилди. Мисол учун, инглиз тили дарслигидаги мавзулар халқоролар талаб даражасида, юқори полиграфик дизайнда нашр этилган. Ватанимиз тарихига оид саналар, буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижоди қизиқарли манбалар билан бойитилиб, мавзу тест саволлари орқали мустақамланди. Бу эса ўқувчининг дарсда зерикмай, мавзунини пухта ўзлаштиришига ёрдам беради.


10-синфда математика дарслари қандай ўтаётгани ҳақида пойтахтимиздаги 274-мактаб ўқитувчиси Гулиза Фозилованинг илк таассуротлари билан қизиқдик:

— Ўқув йили аввалида Республика таълим марказида 10-синф дарсликларига тақриз ёзиш жараёни ва давлат таълим стандартларининг муҳофазасида иштирок этдим, — дейди муаллима. — Дарсларим ўқувчиларга янада қизиқарли бўлиши учун пухта тайёргарлик кўрдим. Жумладан, ҳали 10-синф дарсликлари чоп этилмагани боис, уларнинг электрон шаклидан фойдаланиб, дарс ишланмаси ёздим. Мавзулар юзасидан қўшимча маълумотлар тўпладим. Ноъёнвий методлардан фойдаланишга ҳаракат қилдим. Натижа-

да биринчи дарсда муаммоли вазиятга тушмадим. Мисол учун, "Тўплам тушунчаси. Тўпламлар устида амаллар" мавзуси бўйича интернет манбаларидан фойдаланганим учун дарс жуда қизиқарли ўтди.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Саида Маждидова она тили фани бўйича дарс таассуротлари билан ўртоқлашди:

— Биринчи дарсда эътиборимни тортган жиҳат, ўқувчилар кўзидаги қувонч бўлди. Уларнинг фанга қизиқишини кўриб, дарс ўтишга иштиёқим янада ошди. "Миллий тил ва адабий тил. Адабий тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари" мавзусини тушунтиришда дарслик яқин кўмакчим бўлди. Янги "Она тили" дарслиги нафақат дизайни, балки ўқувчида таянч компетенцияларни шакллантиришга қаратилган машқларнинг кўплиги билан таълимга лойиқ. Дарсликда лўғат, сўз ва изоҳлар ранг-баранг берилган. Бу биз педагоглар учун яна бир янгилик бўлди. Ўқувчининг сўз бойлигини оширувчи, оғзаки нутқини ривожлантирувчи машқлар бисёр. Ҳар бир ўқувчига индивидуал топшириқ бериш мумкин. Аммо дарсликдаги айрим камчиликларга ҳам ғувоҳ бўлдим. Мисол учун 45 дақиқада мавзу бўйича берилган 2 та топшириқ ва 6 та ташқини бажаришга вақт етмайди. Маълумотлар бўйича жадвал тузиш, шева билан ишлаш ҳам кўп вақт талаб этади. Дарсликда берилган топшириқ ва машқларнинг барини бажаришга, мавзунини тўқил тушунтиришга аж-



ратилган соатлар камлик қилади. Келгусида бу муаммони бартараф этиш учун ўқув дастури бўйича ажратилган соатлар қайта кўриб чиқиши, ўқув дастури ва дарсликни янада такомиллаштириш керак деб ҳисоблайман.

10-синф ўқувчилари ҳафтада 5 кун умумтаълим фанлари, 1 кун касбий таълим бўйича сабоқ олиши белгиланган. Шу мақсадда касб-хунар коллежларининг ўқув устaxonалари базасида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилди. Мазкур масканда махсус чуқурлаштирилган тайёргарликни талаб этмайдиган чилангар, тикувчи, ҳайдовчи, ошпаз, сартарош, кулол, қандолатчи, новвой, дурадгор, сувочки, бўёқчи касб-ларига ўқитилади. Ўқувчиларга 11-синф яқини бўйича аттестат ҳамда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имконини берадиган давлат намунасидаги ҳужжат берилади.

Биргина Сергели саноат касб-хунар коллежининг бўшаб қолган биносига 8 та мактабининг 10-синф ўқувчилари учун 4 йўналиш

бўйича касб-хунар ўргатилиши режалаштирилган. Масканда касб-хунар ўрганиш учун барча ўқув жиҳозлари тахт. Биринчи дарсдаёқ ўқувчилар устaxonалар билан таништирилди.

Нафақат касб-хунар коллежларида, балки айрим мактабларда ҳам ўқувчиларнинг касб-хунар ўрганиши учун синфхоналар тахт қилиб қўйилган. Яшнобод туманидаги 153-мактабининг технология фани ўқитувчиси Моҳира Отажонова қизларга тикувчилик ва пазандалик хунарини ўргатиш учун барча зарур ўқув анжумлари мавжуд эканлигини айтиб ўтди:

— Мактабимизда қизларга тикувчилик, каштачилик хунарини ўргатиш учун тўртта тикув машинаси мавжуд. Қандолатчилик бўйича сабоқ бериш учун ҳам имконият етарли. 10-синф қизларимиз касбий таълимни ўзимизнинг мактабда ўрганиш, деган тақлиф барчага манзур бўлди. Бундан куч олиб, ўқувчиларга касб-хунар сирларини пухта ўргатишга киришимиз.

Бугун педагоглар 10-синф ўқувчиларининг ҳар бирига алоҳида ёндашган ҳолда иш олиб бормоқда. Сабаби, дунёқарашини тўқил

шаклланиб улгурмаган, болаликдан ўсмирликка ўтиш давридаги ўғил-қизлар ҳали эътиборга муҳтож. Шу боис, Сергели туманидаги 303-мактаб ўқитувчиси Муҳайё Аҳмедова жорий йилда 10-синф раҳбари сифатида ўқувчиларининг хулқи, одоб-ахлоқи, давоматини доимий назоратга олган.

— 11 йиллик таълимни жорий этишда, асосан, ота-оналар ва 9-синф битирувчиларининг хоҳиши ва истакларига таянилгани беҳиж эмас. Бунинг ижобий томони ўқув йилининг илк кунлариданоқ сезилди. Жумладан, уларнинг таълимни кадрдон даргоҳида давом эттираётганидан мамнунлиги дарсдаги иштирокида яққол намоён бўлди. Бу ҳолат педагогларни илҳомлантириб, янги гоғларни амалда қўллаб иш бошладик. Ота-оналар билан яқиндан танишдим, 10-синфга дарс берадиган ўқитувчилар билан кенгашидим. Уларнинг ўқувчиларга қўядиган талаблари ҳамда ўғил-қизларнинг хулқ-атвори борасида фикрлашиб олдим. Натижа ўқув йилининг биринчи ҳафтасидаёқ сезилди — 10-синф ўқувчилари менга тобора яқинлашди, орамизда ҳеч қандай тўсиқ йўқлигига ишончим орта бўллади.

Синф раҳбари таъкидлаганидек, бугун ўқувчилар учун таълим тизимида барча шароитлар яратилган. 15-16 ёшли ўсмирга билим беришдан олдин, унинг кўнглига йўл топиш муҳим. Бу ёшдаги ўғил-қизларни назорат қилиш билан бир қаторда уларга ишониш, ўрни келганда рағбатлантириш зарур. Муҳайё опа шуларни ҳисобга олиб, 10-синф ўқувчиларини йил бошидан оқ дўстона жамоага айлантириб, жипслаштирди. Муаллиманинг фикрича, синф раҳбарининг вазифаси фақат ўқувчиларни тергаш эмас, аксинча, таълим жараёнида онгли ва масъулият билан муносабатда бўлишга ундашдан иборат.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

Чет тилларни билиш даражаси

Миллий тест тизими орқали аниқланади

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори республикамизда чет тили таълими соҳасидаги ислохотлар изчил давом этаётганидан далилат беради.

Қарорга кўра, узлуксиз таълимнинг барча босқичларида чет тилларни ўқитиш сифатини ошириш, хорижий тилларда эркин сўзлашадиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқув дастурларининг узвийлигини таъминлаш мақсадида чет тилларни билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизими жорий этилади. Уни амалга ошириш учун узлуксиз таълимнинг барча босқичлари-

да чет тилларни ўзлаштириш даражасини давлат таълим стандартларида белгиланган тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш, гапириш кўникмалари асосида баҳолаш механизми ишлаб чиқилади.

Эндилликда чет тилларни билиш даражаси тўғрисида давлат намунасидаги малака сертификатига эга бўлган ўқувчи, талаба ва педагоглар хорижининг етакчи таълим муассасаларида тил ўрганиш ама-



Munosabat

лиётда иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, 2018 йил 1 январдан бошлаб малака сертификатига эга талабгорлар сертификатига кўлга киритган вақтдан эътиборан 3 йилгача маълум имтиёзларга эга бўлади. Хусусан, бундай имтиёзга эга мактаб битирувчилари, абитуриентлар ва бакалаврларга таълимнинг кейинги босқичини давом эттириши учун тест синовлари рўйхатига чет тили (инглиз, немис, француз) фани ўтиладиган таълим муассасаларига ўқишга киришда чет тили фанидан максимал балл берилади ва чет тили тест синовидан озод этила-

ди. Шунингдек, В2 ва ундан ортиқ даражадаги малака сертификатига эга бўлган педагоглар аттестация жараёнида максимал балл билан баҳоланади ва синовлардан озод этилади. Сертификат олиш истиқини билдирган талабгорлар учун талаб ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудларда тизимли равишда тест синовлари ўтказилади.

Баҳолаш тизими ўқувчи, талаба ёки педагогнинг билим ва кўникмаси ташқи талабга жавоб бериши, яъни таълимнинг кейинги босқичи ва иш беворчи томонидан тан олинишидаги жуда кўп масалаларга оидинлик киритади ҳамда кадрлар салоҳиятини интенсиф равишда оширишга хизмат қилади. Энг муҳими, бу борадаги таҳрибани бошқа фанлар бўйича баҳолаш тизимини яратишда ҳам қўллаш мумкин.

Феруза РАШИДОВА,
ЎзДЖТУ қошидаги
2-академия лицейи директори

Муҳаммад Юсуф мактаби

"Фидойинг бўлгaysиз сени, Ўзбекистон!". Ушбу сатрлар Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб. 2 сентябрь куни юртимиздаги барча таълим муассасаларида янги ўқув йили шу шир остида, янгича шиъонат, ўзгача кайфият билан бошланди. Айниқса, Андижонда янги ташкил этилган Муҳаммад Юсуф номидаги мактаб жамоасига бу сатрлар икки қарра масъулият юкляди. Ушбу мактаб Президентимизнинг Андижонга ташрифи чоғида беназир шоир Муҳаммад Юсуф номидаги мактабни ташкил этиши, унинг ижодини чуқур ўрганиш юзасидан билдирган тақлифи асосида бунёд этилди. Шубҳасиз, бу эзгу иш ўқувчи-ёшлар ўртасида шоир куйлаган ғоялар, халқона ташбехларни кенг тарғиб қилиш, улар қалбида садоқат туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади.

Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёт фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг очилиш маросимида шоир ва ёзувчилар, ота-оналар, халқ таълими ходимлари, ўқувчилар, шоир ижодининг ихлосмандлари иштирок этди. 2017-2018 ўқув йилида таълим муассасасига 5-

6-, 7-, 8-синфлар учун 120 нафар иктидорли ўғил-қиз танлов асосида қабул қилинди.

— Хар бир ўқувчининг қобилияти, она тили ва ўзбек адабиётини пухта биллиши эътиборга олинди, — дейди мактаб-интернат директори Шохистахон Нурматова. — Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вил-

Xushxabar

ят бўлими вакиллари синов жараёнига жалб этилди. Иктидори билан турли тадбирларда қатнашган, дастлабки ижод намуналари китоб шаклида чоп этилган Шахло Ҳамидова, Гулчехра Аҳмедова, Назокат Қурбонова каби ёшлар билан масканининг илк қалдирғочи бўлишди. Ўқув йилининг илк сабоқлари Биринчи Президентимиз хотирасига бағишланди. 5-синфда ўтилган "Хотира дарси"ни ижодкор муаллима Шаҳноза Азимжонова олиб борди. У машғулот давомида мустақил Ўзбекистон асосчиси Ислоҳ Каримовнинг миллий давлатчилигимизни шакллантиришдаги жасорати, давлат ва сиёсат арбоби сифатида дунё миқёсида тан олинганини сўзлаб берди. Ўқувчилар уюшмасининг

вилоят бўлими раҳбари Хуршида Кўчқорова ҳам истиқлол неъматлари ҳамда Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижодига тўхталди. Қизгин мушоирага уланиб кетган дарсда Нурмуҳаммад Қахрамонжонов, Шоҳжаҳон Рустамжонов, Машхура Пўлатова, Моҳларойим Зафаржонова каби истеъдодли ижодкорлар ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди.

Муҳаммад Юсуф номидаги мактаб-интернатнинг ташкил этилиши ота-оналарни ҳам беҳад қувонтирди.

— Набирам Мастура Акбарова бадиий адабиётга қизиқарди, — дейди андижонлик Ёдгорой Умаралиева. — Янада чуқурроқ биллишни олиши учун уни қаерда ўқитсам экан, деб ўйлаб юргандим. Янги мактаб мен каби ота-оналарга ажойиб совға бўлди. Набирам им-

тихон саволларига яхши жавоб бериб, мактабнинг қалдирғоч ўқувчилари сафидан жой олди. Мени хурсанд қилган жиҳати, у ўқиш ва билим олишга янада иштиёқ билан киришди.

Мактаб-интернатда ижодий муҳит яратилиб, ўқувчилар машғулотлардан сўнг "Ижодкор", "Она тилим — суюкли тилим", "Шеърят сабоқлари" каби тўғаракларда шугулланади. Қўшимча машғулотларни таъинли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар олиб боради. Ҳафтанинг жума куни шоир Муҳаммад Юсуф ижоди ўрганилади.

Кундан-кунга обод таълим маскани ҳамда файзли гўшага айланиб бораётган мактабда ўқувчи ёшлар учун дам олиш хоналари, қўшимча машғулот заллари ташкил этилиб, шарт-шароитлар яратилмоқда. Муассаса ҳовлисида Муҳаммад Юсуф ҳайкали барпо этилмоқда.

Орифжон СИДДИКОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

Боғчага бормайдиган болалар

мактаб таълимига тайёрланди

Бувайда туманидаги 15-мактаб маҳаллий бюджет маблағлари ва ҳомийлар ҳисобидан жорий таъмирланиб, синфхоналар замон талаблари даражасида жиҳозланди. Таълим маскани бу йил 66 нафар 1-синф ўқувчисини ўз бағрига олди.

— Мактабимизда Шўртепа ва Қоратепа қишлоқлари аҳолисининг фарзандлари таълим-тарбия олади. Бу йил 1-синфга қабул қилинган ўқувчиларнинг ота-онаси билан суҳбатлашдик, хар бирининг оилавий аҳоли билан танишдик, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Матлуба Усмонова. — Уларга мактабга таълимнинг афзалликлари ҳақида тушунтириб, июнь ойида 1-мактабга таълим муассасасида қисқа муддатли тайёрлов гуруҳларини ташкил этдик. Назокат Раҳмонова, Гулсал Нурматова каби таърибали бошланғич синф ўқитувчилари билан бирга ўқув режа ва дастур ишлаб чиқдик. Бошланғич синфлар методбирашмаси раҳбари Гулбахор Маҳрамова, психолог Гулчехра Кенжаева болаларнинг ўзлаштиришини назорат қилиб, зарур ёрдамларини беришди. Ҳозир болакайлар мактабда қўйналишмаяпти. Улар дарс пайтида ўзини тутишни, партада ўтиришни, ручка ушлашни, ҳатто геометрик белгиларни билиб олишди.

Жаҳжи болажонларга харф ўргатиш, уларнинг саводини чиқариш, дунёқарашини шакллантириш жуда муҳим вазифа. Боғчага борган бола билан боғчага бормоган боланин ўқишида, мавзуни ўзлаштиришида катта фарқ бўлади. Жамоада ўзини тутиш, партада ўтириш, ўқитувчи билан муомала қилишда ҳам бу жиҳат сезилади.

Бошланғич синф ўқитувчиси Назокат Раҳмонованин ота-оналар ўртасида обрў-эътибори юқори. "Боламини Назокат устоз ўқитсин" дегувчиларнинг кўпчилиги ҳам шундан даллат беради. Боиси, ўқитувчи хар бир ўқувчи билан алоҳида ишлайди. Ўтган ўқув йилида 3 нафар ўқувчиси "Чиройли ёзув" кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллади.

Шарифа МАДРАХИМОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

Изланувчан, касбини севадиган, ўқувчиларни фанига қизиқтира оладиган, ота-оналар билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўя олан муаллимнинг дарсида даволат 100 фоизни ташкил қилиши аниқ. Аммо буни айрим муаллимлар англамай, айбни ўқувчи ва оиладагилар зиммасига юкляётгани ачинарли.

Насиба Эрхонваннинг "Ma'rifat" газетасининг 2017 йил 15 февраль сонидан чоп этилган "Ўқувчи даволати" номли мулоҳазали мақоласини ўқиб, сурункали мактабга келмай, ўқишни охириги даража қўядиган, ота-онаси лоқайд болалар билан иш олиб бориш

3-гуруҳдаги ўқувчиларнинг баъзиларида сабабсиз дарс қолдириш ҳолати учраб туради. Мавзуни ўзлаштириши ҳам бироз қийин. Олайлик, Нурмуҳаммаднинг оилавий аҳоли дарсда иштирокига ҳам таъсир қилади. Чунки унинг ота-онаси ажрашган.

Мақтаб ва оила назорати — ўқувчи даволати пасаймаслиги омили

бўйича фикрларини билдиришни лозим топдим. Аслида синфда бундай болалар қандай пайдо бўлади?

Бу саволга ўз таърибам асосида жавоб берсам. Ўқувчиларини саводхонлиги, билим савияси, ўзлаштириш даражасига қараб, уч гуруҳга бўлиб оламан.

1-гуруҳдаги "аълочи болалар" фақат сабабга дарс қолдириши мумкин. Улар салгина кўрсатма билан қолдирилган мавзуни бир зумда ўзлаштириб олади. Айримлари уйда мавзуни мустақил ўқиб, топшириқларни тўлиқ бажариб келишга одатланган.

2-гуруҳдаги "ўртанча" биладиган ўқувчилар ҳам сабабсиз дарс қолдирмайди. Мабодо шундай ҳолат кузатилса, синф фаолларидан бирини бириктираман. "Аълочи" ўқувчи "ўртанча" ўзлаштирадиган болага ўтилган мавзулар бўйича тушуна беради. "Алоқа дафтери" орқали ота-онасига уйда кўпроқ шугулланишни илтимос қилиб, ёзиб юбораман. Кейинги дарсда қолдирилган мавзу қанчалик ўзлаштириб олинганини текшираман ва қўшимча маълумотлар бераман. Бу усул орқали болалар ўртасида меҳр-оқибат ортиб, дўстона муносабат шаклланади, қолаверса, ота-она билан ҳамкорлик мустаҳкамланади.

Она кун бўйи ишда, баъзан тунги навбатчиликка қолганда бола кекса бувисининг қарамоғида бўлади. Табиийки, бу омилар унинг барвақт туриб, мактабга боришига тўсиқ бўлади. Онаси билан суҳбатлашдим. Аввалига "ишламасам бўлмайди"дан нарига ўтмади. "Биттагина ўғлингиз тақдирига бефарқ қараманг, ундан меҳрингизни дариг тутманг, ҳали ҳаммаси олдинда", деган гапимдан сўнг ишдан иложи борича барвақтроқ қайтишни, ўғлингиз дарсларига қарашини айтди. Аста-секин даволати ҳам яхшиланди.

Ёки яна бир ўқувчим Довудинг сабабсиз кўп дарс қолдириши мени доимо ўйлантиради. Бор эътиборимни шу ўқувчига қаратдим. У билан алоҳида ишладим. Кичик ютуғини ҳам катта натижа каби эътироф этдим. Машғулотлар жараёнида имкон даражасида уни рағбатландирдим. Натихада нафақат даволат, балки унинг дунёқарашини, характерида ҳам ижобий ўзгаришлар кўрина бошлади.

Ўқувчилар сабабсиз дарс қолдирса, улар билан яқна тартибда қўшимча машғулотлар олиб бораман. Синф даволатининг мактаб бўйича пасайиб кетишини, бу эса эришган ютуқларимизни ҳам

Gazeta va gazetxon

ювиб юборишини тушунтираман. Уларни фан тўғарига (ҳафтада 2 марта) жалб этиб, дидактик ўйинлар орқали ўқишга қизиқшини ошириб боришга ҳаракат қиламан.

Йигилишларда ота-оналардан доимо болаларининг дарс қолдириш сабабини сўрайман. Худа беҳуда дарс қолдирмаслик, бола касал бўлишининг олдини олиш, ўқувчининг бўш вақтини намунали ўтказиш, мактаб кутубхонаси-

га обуна бўлиб, мунтазам бадиий адабиёт ўқиш борасида дўстона фикрлашаман. Айниқса, дарс қолдирган ўқувчининг чет тили, математика, она тили фанларидан ўзлаштириши ниҳоятда қийин кечиши, бир-бирига боғлиқ мавзулар пухта ўзлаштирилмаслигини тушунтираман. Яқинда яна бир янгиликка қўл урдим. Шундай суҳбатлардан сўнг, "Farzandim dars qoldirsa..." mavzusida ota-onalardan ёзма фикрлар олдим. Уларнинг деярли бarchasi боласининг дарс қолдиришида ота-оналарнинг эътиборсизлиги ҳам сабаб бўлишини тан олишган. Ҳатто ўз айбларини санаб, келгусида бундай хатоликка йўл қўймасликка ваъда беришган.

Бундай мураккаб жараёнда ўқитувчи ва ота-она ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, ўқувчиларнинг бошланғич синфдан оқ дарсларда мунтазам иштирокини таъминлашга эришимиз зарур. Шундагина ўқувчи юқори синфларга ўтганда ҳам бесабаб дарс қолдирмасликка одатланади. Пухта билим олиб, жамият учун фойдали инсон бўлиб етишди.

Дилноза НАРЗУЛЛАЕВА,
Вобент туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси

2017-yil 13-sentabr, № 73 (9034)

Болалигимни ёдга олсам, ота-онамнинг бир китобни талашиб ўқишлари кўз олдимда гавдаланади. Уйимизда китоб кўп бўлса-да, негадир иккаласи битта китобни бир пайтда мутулаа қилишни бошлашарди. Ишдан бўшаб, кўларига китоб олганда, "Мен қизик жойига келувдим", деб талашиб қолишарди. Шундай вақтда кўпинча онам китобни ўқир, биз эса эшитардик. Баъзи жойларини шарҳлаб, тушунтириб беришни унутмасдилар. Байрам ва туғилган кунларда бизга доимо китоб совға қилишарди.

"Энг қизик жойига келгандим..."

— Ўқувчиларимни бирор китобни ўқиб чиқишга мажбурламайман, — дейди Жиззах шаҳридаги 2-мактаб ўқитувчиси Адолат Муродова. — Мен мана шу китобни ўқидим", деб асарнинг энг қизикли жойидан парча айтиб бераман. Кейин ўқувчиларим саволларга кўмиб ташлашади. Воқеалар ривож қилинган жойига етганда "Бўлди, энди дарсга қайтамыз", дея китобнинг кутубхонада борлигини қистириб ўтаман. Танаффус бўлиши билан болаларнинг кутубхонага югурганини кўрсангиз эди. Кейинги дарснинг ўн дақиқасини шу асар таҳлилга ажратаман.

Ўқитувчининг сая-ҳаракати ота-она томонидан қўллаб-қувватланади, яхши натижа беради. Яқинда дугонаникига бордим. Ота-онаси оддий одамлар. Лекин китобхонлик маданияти жуда юқори. Истанг жаҳон, истанг ўзбек адабиётидан сўранг, бемалол баҳсга киришади. Сўхбатлашиб ўтирарканмиз, наби-раси келиб қолди. Мактабда беш баҳо олганини айтиб, кундалик дафтарини кўрсатди. Бувиси пешонасидан ўпиб, "Баракалла тойчоғим, энди эртақ китобнинг ўқишинг мумкин", деди. Боланинг қувонганини айтмайсизми. Рост, бироз ҳайратландим. Одатда бола нотўғри иш қилиб қўйса, ота-она "Бўлди, уйнамайсан, уйга кириб китобингни ўқи", дейишганини эшитгандим. Лекин китобдан рағбат вазифасида фойдаланишганини биринчи марта кўришим. Бувисининг айтишича, кеча паст баҳо олгани учун китоб ўқишни тақиқлаб қўйишган экан. Энг қизик жойида қолган чоғи, болакай бугун "аъло" баҳо олиб келибди.

Ўйлаб қарасам, ҳар бир инсон рағбат олишга интилади. Жазоланиш кимга ҳам ёқади дейсиз?! Фарзандининг яхши ишини рағбатлантириш мақсадида китоб бериб, боз устига у биргаликда мутулаа қилинса, қандай яхши бўлар эди. Мактабда китобхонлик муҳити, уйда китобхонлик муҳити бўлгандан сўнг ўз-ўзидан маҳаллада ҳам шу муҳит ҳукмронлик қилади.

Чарос ЁҚУБОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Севимли устозлардан бири ўқинч билан айтиб берган воқеа мени ўйлантириб қўйди: у киши дарсда барчани чалғитаётган ўқувчиға танибх бериб, "Партада тўғри ўтир" дея сизга танибх бўлибди. Тенгқурлари олдида изза бўлган "Эркатой" ўйига бориб, ота-онасига ўқитувчининг устидан шикоят қилади. Ота эса ким эканини кўрсатиб қўйиш мақсадида мутахассис шифокордан боласининг "қулоқ пардаси йиртилгани" ҳақида сохта маъдумотнома тайёрлатиб, муаллимни жазолаш учун судга беради. Ота уни тегишли тартибда жавобгарликка тортганидан хурсанд. Оддий савол пайдо бўлади: бу ноҳақликни кузатиб турган болада устозига, мактабига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғонадими ёки нафрат?

Қош қўяман деб, кўз чиқарманг

Бола тарбиясида оиладаги маънавий муҳит кўпроқ аҳамиятга эга. Обру-этиборли педагоглардан бири шундай дейди: "Ўқувчиларимнинг ота-оналари турли касб эгалари. Уларнинг маънавий дунёқарашлари турфа хил. Бола тарбиясида ўқитувчи муҳим роль ўйнайди, албатта. Аммо ота-оналар орасида "Фарзандимизни моддий таъминлаб турсак бас", дея фикрлайдиганлари ҳам йўқ эмас. Улардан "Охирги марта қайси китобни ўқидингиз, болангизнинг дарс тайёрлашини қачон назорат қилиб, кўмаклашдингиз?", "Унга қандай ибратли ҳикояларни айтиб бердингиз?" дея сўрашнинг ўзи ортиқча".

Айрим тўқис оилаларда улғаяётган

болаларда боқимандалик ҳисси яққол сезилади. Ота-онанинг улар учун ҳамма нарсани яратиб қўйганидан фахрланиши қандай оқибатларга олиб келиши маълум. Оила даврасидаги сўхбатларда боласини "Сен ҳеч хавотирланма, уй-жой, автомобиль, нима керак бўлса, мана, бизнинг зиммамизда" дея талтайтиришини "ғамхўрлик" дейиш мумкинми? Шундай ота-оналар борки, фарзанди билан гаплашишга на вақт, на ҳафсала топа олишади. Меҳр, эътибор, назоратни нари суриб, қўлига пул тутқизиши афзал қўрадилар. Оталар мажлисига ҳайдовчисини жўнатаётган "амалдор"лар борлиги-чи?..

Эъзозахон АБДУЛЛАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Сўнгги дарс сабоғи

Бугун "Нутқ маданияти"дан охирги дарс. Устоз нима мавзуда нутқ сўзлашимизни айтмаган. Ҳеч ким тайёргарлик кўрмаган. Лекин нутқимизни видеога олишимиз кераклигини биламиз. Устоз эълон қилди: "Бугун ўзингиз истаган мавзуда нутқ сўзлайсиз!". Ҳамма жим: "Нимани гапирамиз?"

— Муқаддам, марҳамат. Сиз нутқ сўзлайсиз!
"Минбар"га чиқиб олган талаба ўйланб қолди: "Нимани гапириб берсам экан?". Қизлар айтишди: "Нега болалар адабиётига қизикасиз?". Унга мавзу топилди.

— 6-синфда ўқиётган пайтим каттиқ бетоб бўлиб, икки ҳафта уйда ётдим. Қаршимдаги жавон тўла эртақ китоб. Кўзим нуқул шу китобларга тушади. Чунки эртақларни жуда яхши кўраман. Ҳаммасини қайтадан ўқиб чиқдим. Бетоблигим ёдимдан чиқди. Шунда "Нега эртақларнинг давоми йўқ? Бўлса яхши эди-да!" деган фикр келди хаёлимга. Давомини ўзим ёзсам-чи, деган қарорга келдим. Ушанда илк бор энг сеvimли эртақимнинг давомини ёзганман. Кейин...

Ўзининг беш дақиқалик нутқида Муқаддам ҳозиргача бир неча эртақларнинг давомини ёзганлиги, яқинда барчасини китоб шаклида чоп этирмоқчилигини айтганда, биз ҳайратга тушдик.

Навбат Эйтиборга келди. Тортина-тортина сўзлай бошлади:

— Мен бу факультетга ўтган йили ҳам ҳужжат топширганман. Афсуски, кира олмадим. Ушанда жуда

тушқунликка тушганман. Қайта тайёргарлик кўришга, фанларни яна ҳам пухта ўрганишга кунт билан киришдим. Яна шу даргоҳга ҳужжат топширдим. Тест жавобларини кутяпман. Юрагим тўла ҳаяжон. Натижалар чиққанида... мен жуда ҳам бахтли эдим... (қўзлари ёшга тўлиб турарди).

Навбати келган Шаҳзода мамнун қиёфада сўз бошлади:

— Мен орзу ҳақида гапирмоқчиман. Очиги мен ҳам университетимиз қошидаги академик лицейни тамомлаб, испан тили йўналиши бўйича ҳужжат топширдим. Уч марта ҳам талаба бўлиш бахти насиб қилмади. Тўртинчи йил уришиб кўргим ҳам келмади. Ойим эса яна бир бор тайёргарлик кўриб, астойдил ўқишимни айтдилар. 7 ой давомида Миллий кутубхона менинг иккинчи уйимга айланди. Бу сафар журналистика факультетиға топширмоқчи эдим. Сабаби, болалигимдан телебловчи бўлишни орзу қилардим. Болалар билан бирор ўйин ўйнасак, мен ҳар доим бошловчи бўлишни истардим. Журналистика ушалмас орзудек туйиларди менга. Тест саволларини қийналмай ечдим. Кайфиятм яхши. Ниҳоят, мен кутган кун келди. SMS жавобини кутяпман... Лекин жавоб келганда унга қарашга юрагим дов бермади. Бу вазифани оймга топширдим. Ойим мени кучоқлаб,

"Табриклаيمان, қизим, ахирги ниятингга етибсан!" дедилар...

Ҳаммамиз тўлқинланиб кетдик. Дарс жуда қизик ўтаётган эди. Ситоранинг дўстлик ҳақидаги самимий сўзлари, Адиданинг ўзи гувоҳ бўлган воқеа унга қай даражада таъсир қилгани, Зухранинг шукроналик ҳақидаги ибратомуз ҳикояси, Саодатнинг ўқиб тугатган асари ҳақидаги таассуротини тинглаш ниҳоятда мароқли эди.

Ҳамма гапириб бўлгач, устоз голибни аниқлашганимизни, бугун ҳаммамиз голиб эканлигимизни айтди. (Ҳар дарс якунида яширив овоз бериш йўли билан битта голибни аниқлаймиз). Устоз ўз фикрини яқунлаб, шундай деди:

— Ҳаммангизга раҳмат. Жуда чиройли нутқ сўзладингиз. Мавзуни олдиндан айтмаганимнинг сабаби — шу пайтгача тайёргарлик кўриб, сўзга чиққан бўлсангиз, бугун тайёргарликсиз буни қандай удалашингизни билмоқчи эдим. Ҳар қандай вазиятда равон тилда ўз сўзини айта оладиган журналист бўлишингизни хоҳлайман. Бу мавзуни берганим эса бир-бирингизни янада яқинроқ билишингизни истардим. Видеога олишимизнинг сабаби, нутқ сўзлаётганда ўзингизни қандай тўтишингизни кўриб, камчиликларингизни тузатасиз.

Устоз сўзини тугатди. Хона сув қуйгандек жимжит. Ҳар биримизнинг кўнглимизда турли ўй. Барчамиз мамнун қиёфада, сўнгги сабоқ учун устозга раҳмат айтдик.

Соҳибжамол
КАТТАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Меҳрдан яралган қўшиқ

Бир ой олдин қўшимизнинг келини фарзандли бўлди. Ушандан буён бу уйда янговчи ёқимли алла оҳанги дилимга ором бериб, руҳиятимни ҳам аллаётгандек бўлаверади. Бу мунис оҳанг ҳеч қандай нота, чолғу талаб қилмайди. У онанинг меҳрли қалбидан сизиб чиқаётган жонли қўшиқ бўлгани учун ҳам қулоққа яқин. Гўдак шу меҳр уммонида ўзини хотиржам сезади, оромбахш, сокин уйкуга кетади.

Алла қайси миллатда, қайси тилда, қайси фарзандга нисбатан айтилмасин, унинг қалб кўридан таралаётган мунгли навоси барчани оҳанрабодек ўзига тортиб, ҳар қандай одамни болалик хотиралари томон чорлайди. Шукрки, бу қадимий оҳанг ҳозирги кунда ҳам ўз қиймат ва қимматини асло йўқотмаган. Қайси қишлоқ, қайси шаҳарга борманг алланинг кучи сақланиб, сайқалланиб бораётганига гувоҳ бўласиз. Жиззах вилояти Дўстлик туманида яшовчи ёши улғу онахон Кимё Тўраева алла ҳақида шундай фикрда:

— Ёшим анчага бориб қолган бўлса ҳам, алла айтишдан, уни тинглаб бола давримга сайр қилишдан чарчамайман. Келинларимнинг алла айтаётганини эшитиб қолсам, раҳматли онамнинг маъсум овози, мунис чехраси кўз олдимда гавдаланаверади. Онам беш ўғил, икки қизни вояга етказган. Ўғилларини урушга жўнатгандан сўнг фақат биттаси бир оёқда қайтган. Невадалариға бешик устида ўз дардларини аллага қўшиб, гоҳида кўзларида ёш билан хиргойи қилаётганини кўп кўрганман. Алла шунчаки мусиқа эмас, унда онанинг борлиги, дарди ҳам ақс этади.

Озода РЎЗИКУЛОВА
ЎзДЖТУ талабаси

Эртанги кун учун

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Тошкент давлат педагогика университетидан "Педагогик таълимни ривожлантириш стратегияси" мавзусида конференция ўтказилди. Тадбирда олий таълим тизимини ривожлантириш, сифат ва самардорлигини ошириш ҳамда соҳани малакали педагог кадрлар билан таъминлаш каби масалалар хусусида сўз юритилди. Шунингдек, педагогика соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, иқтидорли талабалар билан ишлаш методикасини янгилаш, олий таълимни ташкил этишда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш борасида таклиф ва тавсиялар берилди.

— Муассасамизда иқтидорли ёшларнинг тўлақонли фаолият олиб бориши учун етарли шарт-шароит яратилган. Бакалавриятнинг 27 таълим йўналишида 3666, магистратурада 173 нафар талаба тахсил олмакда, — дейди Тошкент давлат педагогика университети профессори Барно Абдуллаева. — Бугунги анжуманда шарт-шароитларни янада яхшилаш борасида режалаштирилётган изчил чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Зухра ЯРАШЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Ҳуқуқий таълим янгилашиш босқичида

Президентимизнинг шу йил 28 апрелдаги "Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан мазкур университетда қатор янгиланишлар амалга оширилди. Кунни кеча Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Шунингдек, йиғилишда 2017-2018 ўқув йили учун ўтказилган тест синови натижалари таҳлил этилиб, магистратура босқичига қабул жараёни ҳамда модул тизими истиқболлари хусусида маълумот берилди.

Бу йил мазкур университетга кириш имтиҳонларида шаффофликни таъминлаш мақсадида амалга оширилган янгиланишлар қабул жараёнининг сифатига ижобий таъсир кўрсатди. Магистратура босқичига қабул жараёнига ҳам алоҳида масъулият билан ёндашилди. Мазкур босқичга 120 та квота ажратилган бўлса-да, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган 74 нафар номзод магистрликка тавсия этилди. Бу рақамнинг ўзбек малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашга жиддий ёндашилаётганининг ёрқин далилидир.

Университетда амалга оширилган янгиланишлардан бири шуки, жорий йилдан эътиборан чет эллик талабалар суҳбат асосида (таълим тилини билиш шarti билан) қабул қилинади.

Тадбирда олий таълим муассасаси қошидаги фуқароларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган юридик клиникада талабалар иштироки, яқинда ташкил этилган бўлажак прокурорлар клуби, ўқув жараёнида бу йилдан жорий этиладиган кредит тизими ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Сухроб ЗИЁДОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш «Истеъдод» жамғармаси чет элда малака ошириш, стажировка ўташ, шунингдек, магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олиш учун стипендияларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга ариза ва ҳужжатлар Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 171-уйда жойлашган «Истеъдод» жамғармаси биносидан

2017 йил 14 сентябрдан 14 октябргача қабул қилинади.

Танловда иштирок этишни истаганлар:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;
- чет (инглиз, немис, француз, рус ва бошқа) тилларидан бирини мукамал билиши;
- **магистратура** дастури учун бакалавр ёки олий маълумотли мутахассис, **PhD** дастури учун магистрлик дипломига эга бўлиши;
- **малака ошириш ва стажировка** ўташ учун тавсия этилган номзодлар мақсадли дастурларини (ОТМ раҳбари томонидан тасдиқланган) тақдим этишлари шарт.

Танловда иштирок этиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:

1. Олий таълим муассасаларининг (ОТМ) мутахассислари, педагог ва илмий кадрлари орасидан чет элда малака ошириш, стажировка ўташга тавсия этилаётган номзодларнинг куйидаги ҳужжатлари Жамғарманинг Қабул комиссиясига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган дастлабки танлов натижалари илова қилинган ҳолда тақдим қилинади:

- а) белгиланган шаклдаги маълумотнома-объективка*;
- б) Қабул комиссияси раиси номига таълимнинг шакли ва йўналиши кўрсатилган, белгиланган тартибдаги ариза*;
- в) ОТМ раҳбарининг имзоси билан номзод ҳақидаги чет элда малака ошириши ва стажировка ўташи зарурлиги кўрсатилган тавсиянома;
- г) ОТМни тугатганлигини, шунингдек, илмий даражаси (фан номзоди, PhD ва фан доктори) ва илмий унвонини (катта илмий ходим, доцент, профессор) тасдиқловчи дипломларнинг нусхаси;
- д) меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- е) паспорт нусхаси;
- ж) 6 дона 3 см x 4 см ҳажмдаги фотосурат;
- з) чет тилидан билим даражасини белгилловчи амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (IELTS, TOEFL каби), агар мавжуд бўлса.

2. Чет элда **магистратура ва PhD дастури** бўйича таълим олишга тавсия этилаётган номзодлар томонидан юқорида кўрсатилганларга қўшимча равишда куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- и) номзодни кейинчалик иш билан таъминлаш тўғрисидаги муассаса раҳбарининг қафолат хати;
- к) чет эл таълим ёки илмий муассасасига қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат ("Letter of acceptance"), агар мавжуд бўлса.

Чет элда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олиш учун ҳужжатларни топширган пайтда ишламаётган номзодлар ушбу тартибнинг "в" ва "д" қисмларида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилишдан озод қилинадилар.

*Изоҳ:** Керакли ҳужжатлар намуналарини Жамғарма веб-сайтидан (www.istedod.uz) юклаб олиш мумкин.

Эслатма: Юқорида кўрсатилган барча ҳужжатлар алоҳида файлларга солиниб, реестр папкага (қалинлиги 5 см) жойлаштирилган бўлиши ва ҳужжатлар рўйхати А4 қоғозда реестр папканинг ички чап томонига елимланган ҳолда Жамғарма Қабул комиссиясига тақдим қилиниши зарур.

Маълумотлар учун:

- телефонлар: 232-60-18, 232-62-40;
- электрон манзил: istedod@edu.uz.

"Истеъдод" жамғармаси интернет манзили: www.istedod.uz

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
чет элда стипендиатларнинг малака ошириши,
стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш
«Истеъдод» жамғармаси**

2017-yil 13-sentabr, № 73 (9034)

СУНЬИЙ АҚЛ ТАҲДИДИ

Буюк Британиянинг «Times Higher Education» журнали ходимлари физика, кимё, физиология (ёки тиббиёт) ва иқтисодиёт йўналишлари бўйича 50 нафар Нобель мукофоти совриндори ўртасида сўровнома ўтказди. Унда инсоният учун глобал таҳдидлар ва ақлий имкониятлар ўртасидаги рақобат хусусида олимлар фикри сўралди.



«Лента.ру» манбасида келтирилишича, респондентлар инсоният учун асосий хавфнинг 34 фоизи аҳоли сонининг ўсиши, атроф-муҳит, иқлим ўзгариши (глобал исил) эканини қайд этди. 23 фоизи ядровий урушнинг кучайиши, 8 фоизи эса юқумли касалликлар «хисса»сидир. «Сунъий ақл ва роботларнинг ҳаётимизга таъбиқ этилиши жамиятда тадқиқотчиларга бўлган эҳти- ёжни камайтирадими?» деган саволга берилган жавобларнинг ярми «мумкин эмас», 24 фоизи «мумкин», 2 фоизи «шубҳасиз, ҳа» вариантини ёқлаган. Аммо сунъий ақли башариятга хатар солувчи омиллар сирасига киритган америкалик ишбилармон Илон Маск ва инглиз олими Стивен Хокинг Нобель мукофоти сохибларнинг фикрига қўшилмаган. Таъкидлаш кераки, олимларнинг аксарият қисми муҳим бир жиҳат — роботлар тасаввурга эга эмас, деган фикрни илгари сурмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 1901 йилдан буён физика, кимё, физиология (ёки тиббиёт) ва иқтисодиёт йўналишларида 700 га яқин киши Нобель мукофотига муносиб кўрилган бўлиб, ҳозир уларнинг 235 нафари сайёрамизнинг турли нуқталарида истиқомат қилмоқда.

УМРНИ УЗАЙТИРУВЧИ ПАРҲЕЗ

АҚШдаги кексаликни ўрганиш илмий тадқиқот институтининг Эрик Вердин (Eric Verdin) раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи ёғли маҳсулотлардан парҳез ҳаёт давомийлигини оширишга ёрдам бериб, ўлим эҳтимолини пасайтиришини аниқлади.

«Cell Metabolism» журналида қайд этилишича, бу турдаги овқатланиш тартиби организмда кетон моддасининг шаклланишига хизмат қилади ва у кетогенлар деб аталади. Олимлар тажриба тариқасида бир яшар сичқонларда соғлиққа таъсир этмасдан қон плазмасида бета-гидроксипутиратнинг юқори концентрациясига эришиш учун махсус парҳездан фойдаланди. Одатдаги овқатланиш рақioni 89-90 фоизгача ёғлардан иборат бўлган кетогеник парҳез билан алмаштирилди. Шу турдаги озик-овқат маҳсулотлари билан озиклантирилган сичқонлар организмдаги ўзгариш бошқа ҳайвонларга солиштирилди. Маълум бўлишича, кўп миқдордаги ёғ таркибига қарамай, кемирувчиларнинг вази кетоген бўлмаган парҳездагиларники каби деярли ўзгармаган. Узлуksиз кетогеник парҳез кемирувчиларнинг ёшлик давридан ўртача умр кўриш давомийлигини ошириб, катта ёшдаги ҳайвонларнинг ўлим хавфини камайтиради. Бироқ бу кекса сичқонларнинг ҳаётини янада узайтиради, дегани эмас.



Тадқиқотчилар 12—14, 22—24 ва 28—30 ойлик сичқонларнинг жисмоний қобилиятини ҳам синовдан ўтказди. Жисмоний ҳаракат нафақат организмдаги ёғларни сарфлаш, балки кексайганда нормал хотирани сақлаб қолиш имкони- ни беради. Эхокардиограмма натижалари эса юрак-қонтомир тизимининг узок вақт нормал ишлашини кўрсатди.

Олимларнинг фикрича, кетогеник парҳезнинг инсон организмга ижобий таъсирини исботлайдиган туркум изланишлар олиб борилиши зарур.

Эслатиб ўтамиз, кетон жигарда ёғдан ҳосил бўлган моддалардир. Бунга мисол бўладиган бета-гидроксипутират кислота (БОМК) қувват манбаи бўлиб, организмда углеводлар, хусусан, глюкоза этишмовчилигида синтезланади. Шунингдек, БОМК алигланшига қарши хусусиятларга эга ва ёшга доир ўзгаришлар билан боғлиқ генларнинг фаолиятини тартибга солади.

МУЗЛИК ДАВРИ ҚАНДАЙ БОШЛАНГАН?

Халқаро олимлар жамоаси Антарктидада 192 йил давомида отилиб турган Такахе вулкони машҳур «музлик даври» бошланишига сабаб бўлганини аниқлади. Ушбу тадқиқотта доир мақола «Proceedings of the National



Academy of Sciences» нашрида чоп этилди.

Такахе тоғи баландлиги 3,4 минг метрдан ортиқ бўлиб, Фарбий Антарктидадаги Мери Берд ерларида жойлашган. Вулқоннинг отилиши бундан тахминан 17,7 минг йил илгари содир бўлган ва шу вақтнинг ўзиде Антарктидадаги жанубий яримшарда кескин иқлим ўзгариши рўй бериб, атмосферадаги «иссиқхона газлари» концентрациясининг миқдори ошган.

— Таркиби галогенларга бой вулкони отилиши натижасида Антарктиданинг стратосфера қатламида озон туйунги ҳосил бўлган, — деди мақола ҳаммуаллифларидан бири Жозеф Макконелл. — Бу эса атмосферада кенг қўлмалли салбий ўзгаришларни юзага келтирган. Кейинчалик жанубий яримшарда музлик давридан ўртамузлик даврига ўтиш содир бўлган.

Мутахассислар Такахе тоғидан 350 километр шимолда, 3,4 минг метр чуқурликдан тортиб олинган муз парчасини таҳлил қилиш орқали шундай хулосага келди. Бундан олдин Эдинбург университети (Буюк Британия) тадқиқотчилари Антарктидада жойлашган 91 вулкони топган.

ҲАЁТ ДАВОМИЙЛИГИНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛИ

Германия, Америка, Япония ва Голландия олимлари ҳаёт давомийлигини аниқлашнинг осон йўлини топди. Тадқиқот натижалари «Nature Communications» журналида эълон қилинди.

Макс Планк жамияти (Германия)нинг қайд этишича, мутахассислар нематодда (Caenorhabditis elegans тури) ҳужайраларидаги нуклеоллар ўлчами ва уларнинг ҳаёт давомийлиги ўртасидаги алоқани топди. Ички ядро ҳужайралари таркибий ўлчами қанчалик кичик бўлса, ҳайвонларнинг ҳаёт давомийлиги ҳам шунча юқори бўлади.


Бу қонуният мева зараркунандалари ва кемирувчиларда ҳам учрайди. Олимлар таъкидлашича, ҳайвонлар бажарган жисмоний фаол юклар билан нуклеоллар ҳажми пасайишига олиб келди. 60 ёшдан ошган кишилар мушак тўқималари доимияси ушбу қонуният инсон учун ҳам мос эканини кўрсатди.

Шунингдек, нуклеин қанча кичкина бўлса, унда оксил таначалари ҳам камроқ бўлади. Мутахассислар айнан шу қисмининг ҳажми инсон ва жониворларнинг биологик ёши ва қанча умр кўришининг муҳим белгиси бўлиб хизмат қилиши мумкин, деб ҳисобламоқда.



ОРОЛЛАР ҚАЕРГА ҒОЙИБ БЎЛДИ?

Австралиялик олимлар Тинч океанида сув сатҳининг кўтарилиши оқибатида сакизта кичик орол суви остида қолиб кетганини аниқлагани «New Scientist» манбасида ёзилди.



«Корреспондент.net» нашрида келтирилишича, Sunshine Coast университети тадқиқотчиси Патрик Нанн ҳамкасблари билан бирга сунъий йўлдош фотосуратларини таҳлил қилди ва маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбат ўтказди.

Микронезиядаги энг йирик ороллардан бири бўлган Понпей олимлар эътиборини тортди. Ҳар томондан майда оролчалар билан ўралган мазкур худуднинг бир қисми одамлар яшайди.

Олимлар Понпей ороли атрофидаги сакизта кичик орол яқиндагина сувга гарқ

бўлганини аниқлади.

— Маҳаллий аҳоли вакилларининг сўзларига кўра, тахминан 100 йил олдин ғойиб бўлган ороллардан иккитасида одамлар ҳаёт кечирган, — деди океанолог Саймон Альберт.

Дунё океанининг сув сатҳи глобал исилш туйфалии йилига ўртача 3 мм кўтарилади. Тинч океанининг фарбий қисмида юз берадиган даврий шамоллар ҳисобига бу кўрсаткич анча юқори бўлиши ҳам мумкин.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ тайёрлади.

Хотиржамликка нима етсин?

Оиламиз тинч, яқинларимиз саломат бўлса, ўзимизни хотиржам ҳис этамиз. Аммо арзимасдек бўлиб кўринган бефарқлик ва эътиборсизлик ҳам мана шундай ширин ҳаётни салбий оқибатларга дучор этиши мумкинлигини сира унутмаслигимиз лозим.

Ана шундай кўнгилсизликлардан бири, шубҳасиз, ёнғин билан боғлиқ. Одатда газ ва электр энергиясидан нотўғри фойдаланиш, оддий хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик натижасида юзага келадиган ёнғинлар кўплаб юртдошларимизнинг йиллаб йиққан мол-мулкига, уй-жойига ва энг ачинарлиси саломатлигига ҳам раҳна солмоқда. Ўлкамизга куз фасли кираиб келди. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган

даври мобайнида мамлакатимиз худудиде рўй берган ёнғин билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг 60 фоизи айнан аҳоли яшаш пунктларида содир бўлган. Булар кўпинча эҳтиётсизлик, бепарволик, носоз электр ва газ ускуналаридан фойдаланиш билан боғлиқ экани янада ачинарлидир.

Хабарингиз бўлса, ҳафтанинг ҳар чоршанба куни ёнғин хавфсизлиги куни деб

эълон қилинган. Шу каби ташвиқот ишлари доирасини янада кенгайтириш, аҳолининг ҳар бир қатламига тушунтириш «Ёнғин хавфсизлиги кунлари»дан кўзланган асосий мақсаддир. Бундан ташқари, айнан куз ва қиш ойлари бошларида ёнғин хавфсизлиги ойлигининг ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши натижасида фуқароларнинг

иситиш мосламаларига бўлган талаби ортади. Айрим фуқаролар иситиш мосламаларидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасдан фойдаланишлари натижасида содир бўлувчи нохуш ҳолатлар сони ортади. Шундай экан, азиз юртдошлар, ҳамиша хушёр бўлайлик.

Тоҳир НОРМАТОВ,
Ўз МТРК ЁХБ кичик инспектори,
Нуриддин БУРҲОНОВ,
Сергели тумани ИИБ ЁХБ инспектори,
сержант

Безовта қалб битиги

Тарихчиларимиз яхши билишса керак, қадимги турк хоқонлари кўшинида «Мойёк» деб аталувчи махсус хизмат тури бўлган экан. Улар тунлари, лашкар дам олаётган пайт гулханларнинг, машъалаларнинг ўчиб қолмаслигига масъул, жавобгар бўлишган. Айтишларича, бу жиддий вазифа



Taassurot

кўпинча кўшинда қандайдир номаъқулчилик қилган айбдор навқара юклатилар экан. Мойёкларнинг тунлари гоҳ ўтин йиғиб, гоҳ кўр қовлаб жонсарак, безовта юрганини кўрган ёв тараф, лашкар ҳали сергак экан деган хаёлда қароргоҳга туйқус ҳужум қилишга ботина олмаган. Жосуслар ҳам яқин боришдан чўчишган.

Атоқли олим, таниқли публицист Мансурхон Тоиров қаламига мансуб «Дўл тоғлари ва етти осмон» деб номланган китоби мутолаа қиларканман ўша мойёклар ёдимга тушди.

Олти қисмдан иборат мазкур китобга муаллифнинг турли йилларда битган ўқувчини мулоҳазага ундовчи, қизиқарли мақолалари, ҳикматли қайдлари киритилган. Мансурхон Тоиров физика-математика фанлари доктори, профессор, аммо «Дўл тоғлари ва етти осмон»да у юқоридаги илмий ивонларини тўла оқлаган ҳолда, етук тарихчи, филолог, илоҳиётшунос, файласуф, нозиктаб ёшкор сифатида номбён бўлади. Мақолалар илк сатрлариданоқ диққат-эътиборни ўзига тортади. Жумладан, китобдан ўрин олган «Дуёни билиб бўлади ёхуд англовчилар учун аломатлар», «Инсоннинг сўнги сўзи: у ҳали айтилгани йўқ», «Дўл тоғлари ва етти осмон» сингари битикларда кўтарилган масалалар, дадил ва асосли хулосалар фикримизга чанқиндай урилади.

Мансурхон Тоировнинг ушбу тўпلامдаги «Нанотехнология — тириклик тилсимининг қалити», «Хитгс денгизининг мажланиши...», «Квант компьютерлари...» каби мақолаларида муаллим ўз соҳаси — физика илминининг бугуни ва эртаси ҳақида сўз юритар экан, ўқувчини ғаройиб, сирли, шу баробарда, фараҳбахш, умидбахш далиллар, рақамлар оламига бошлаб киради. Биз учун мураккаб, зерикарли туюлган мавзуда ҳам шу қадар тотли, таъсирчан, қизиқарли ёзиш мумкин эканлигидан завқланамиз.

Китобдаги қатор публицистик мақолалар айнан ватанпарварлик, миллатсеварлик туйғулари асосида ёзилган. «Пётрнинг Ўрта Осиё қайғуси», «Дукчи эшон ва Николай иккинчи», «Скифлар — бизнинг аجدодлар» сингари мақолаларда муаллиф юртимиз тарихининг асарият ўқувчига ҳали номаълум қирраларини очиб беришга ҳаракат қилади. Муаллиф битикларнинг ҳеч бир ўрнида, ялтироқ, оҳанжама ҳайқирикларни қўлламайди. Донишлар монанд сокинлик, ўйчанлик билан ўқувчи юрагига кириб боради. Худди шу мақолаларга хос, эътиборли яна бир хусусият, бу бадииятдир. Битиклардаги тасвир, ифода ёруғ ва маҳзун лиризм билан сурғорилган. Айниқса, «Поезддаги бир ўзбек» алоҳида эътирофга лойиқ. Бу жажжи асар замирига муаллиф йирик кисса ёхуд романга арзғувчи воқеалар тизимини маҳорат билан жойлай олган, миллатимизга хос характер, дунёқараш, фалсафа теран, жонли бир тарзда акс эттирилган.

Мансурхон Тоиров — безовта қалб соҳиби. У киши чин бир зёли шахс сифатида юрт тарихига, миллат қисматига, жамият ҳаётига оддий томошабин бўлиб туролмайди. Шу маънода у кишининг илмий-ижодий фаолияти, сўз авваллида тилга олганимиз, турк хоқонлари лашкаридаги мойёкларни эслатиб юборади. Бироқ ўша мойёклар каби қандайдир айби туйфайли эмас, бедор, безовта қалби, соф виждони амрига кўра худди шу вазифани бўйнига олади.

ЛУҚМОН БҮРИХОН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Мутолаа аталмиш завқли саёхатининг галдаги бекати моҳир журналист, истеъдодли ёзувчи Қулман Очилнинг «Сой соҳили» китоби бўлди. Қулман Очил асарлари тили жуда халқчил. Айниқса, ёзувчи халқ нақлларида усталик билан фойдаланиши чиқишига янада ўқишли чиқишига хизмат қилган.

Муаллиф синчков кузатувчи сифатида чор атрофимиздаги воқеа-ходисаларни, гурунларни қаламга олади. Лекин ҳар бирдан ҳикмат топади.

Ҳикояларда воқеалар ривожини қутилмаган ўзгаришларга бой. Муаллиф хулосани аксар ҳолларда ўқувчининг ўзига ҳавола этади. Аммо асар сўнгида кўзга кўринмас қандайдир даяват, ундов ёки таъкидни пайқаш мумкин. Масалан, «Шяляпани одамни ўқиган киши яхшилик ҳеч қачон жавобсиз қолмаслигини, кимгадир ёрдам қўлини чўзган одамнинг йўлидаги мушқуллар осон бўлиб ке-

таверишини англаса, «Ишбилармон» мутолаасидан кейин ўзига тегишли якуний хулоса чиқариб олади. Бир сўз билан айтганда, ёзувчи бизга кўзгу тутлади. Кичик бир детал орқали катта гапларни айтишга қиршилади.

Муаллиф ном танлашда ҳам ўзига хосликка эришган. Деярли барча ҳикояларни ўқиб тугатмагунча

Халқчил китоб

сарлаҳа нега бу тарзда танланганини тўла англаб етмайсиз. Жумладан, «Gerl gedan» ҳикоясини ўқиб бўлгач, муаллиф нега бунча «галати», уч марта қайта талаффуз қилсанг ҳам ҳеч вақони тушунмайди деганини икки сўзни сарлаҳага этиб танлаганини тушунасиз. Ва шунда беихтиёр жилмайиб, «эй, лодон, бу спортдаги усулнинг номику, шуни ҳам билмайсан-

ки?» дея ўз ҳолингизга қуласиз. Қаҳқаҳангиз одатдагидан ўзгачароқ чиқади. Босиси, ҳозирги англанининг ҳузори билан бирга ҳикоядаги суюқтабиат Мансурнинг қандай «зинапоядан йиқилгани»ни англаб, озгингиз қулогингизга етади.

Қулман Очил қаҳрамонлари сизу бизга ўхшаб гапирди. Асар қаҳрамонлари «эл қатори» одамлар, ле-



Mutolaa



кетмайди. Мижоздан айрилмасиз».

«...лафзида турмайидан одамнинг пули ҳам, моли ҳам ҳаром бўлади. Баракаси бўлмайди!».

«Эрақдир, аёлдир — ҳаммининг кўнгли бор!».

«...Тўрт куллик умримизни суд мажлисига айлантириб, бу ҳаётдан бир-биримизга хўрайиб ўтамизми, қаддингдан?».

Китобдан, шунингдек, суҳбатлар ҳам ўрин олган. Муаллиф ҳар бир суҳбатдошига «мос-лашади. Биолог билан биологчасига, ҳажвичи билан ҳажвичисига гурунглашади. Саволларга эътибор қилсангиз, қисқа, лўнда. Гўё бир гапириб ўн эшитадиган одамнинг гапидек.

Дилмурод ДҮСТ



«Бир кун...»

Ўзбек халқининг сеvimли шоираси, таржимон, миллатимизнинг ҳаммаша барҳаёт ижодкори Зулфияхонимнинг ёруғ хаёт йўли, ижоди ҳақида кўп ва хўб ёзилган. Бундан кейин ҳам бундай ижодий ишлар бардавом бўлаверсади.

Яқинда ёзувчи Эркин Малик ҳам Зулфияхонимнинг бадиий ижод олами, кўёй янглиғ шеърининг олмос қирралари, адиба руҳиятининг рангин дунёсига чизгилар чизиб, китобхонларга «Бир кун Зулфия опа...» хотира китобини тақдим этди. Болаларнинг суюмли ёзувчиси Эркин Маликнинг бу китобида қирққа яқин хотира лавҳалари жамла-

Барҳаёт адиба

ниб, муаллиф уларнинг деярли барчасида белвосита иштирокчи сифатида кўрган-кечирганларини ҳолис баён этади. Тўпلامдаги хотира лавҳалари китоб ҳолида илк мартаба жамланиб, ўқувчилар ҳужмига ҳавола этилаётгани эътиборлидир. Меҳрибон она, жамоат арбоби, фидойи рафиқа, қалами равон шоира ҳаётининг ёддан чиқмас дақиқалари акс этган тўплам «Шарқ зиб-заковат» наشريётида жуда ихчам, чўнтақкоп кўринишда, кирилл ва лотин ёзувларида бир мўвона остида чоп этилган. Тўплам билан танишган ўқувчи уни такрор ва такрор ўқишига, китоб жавонидан муносиб жой беришига шубҳа йўқ.

Машариф САФАРОВ,
филология фанлари номзоди

«О, буюк йўл, ҳар одимда бир манзил...»

Хумоюн Акбарнинг янги китобини ўқиркансиз ЎЗБЕКИСТОН аталмиш диёрни кезиб чиққандек бўласиз. «Кўёш хузурига йўл олган карвон» номли публицистик тўплам ҳақида сўзлашдан олдин унинг номлашишига эътибор қаратишни зарур деб билдик.

Шарқдан бошланиб ғарбда қадимги Византиягача этиб борган Буюк йўл айли янги бизнинг диёримизда икки тармоққа бўлиниб, кейин яна бирлашиб кетган. Муаллиф гўёки Ғарбдан қайтаётган карвон билан саёхатга йўл олади. Унинг манзили — Шарқ, яъни кўёш хузурини. Бу саёхат мамлакатимизнинг энг ғарбий худуди — Қорақалпоғистон Республикасидан энг шарқий вилоят — Андижонга қадар давом этади. Карвоннинг сафари пойтахтимиз пойига келиб тугайди.

Китобдан жой олган ҳар бир очерк, эссе ва суҳбат муаллиф қаламига мансуб шеърини парчалар билан якунланади. «Кўёш хузурига йўл олган карвон»ни юртимизнинг бугуни ва ўтмишига бағишланган яхлит публицистик асар дейиш мумкин.

Муаллиф юрт кезиб юрар экан, қадами етган жойларнинг топонимларига ғўхталиб, ерлик аҳоли ривоятларидан мисоллар келтиради. Хусусан, Ҳазорасп туманининг номла-нишини халқ бир ривоятга боғлар экан: Сулаймон пайгамбар ўзига «мусаҳҳар қилинган» шамош орқали тахтада Хоразм воҳаси устидан учиб ўтаётса, булоқ бўйида ўтлаб юрган учқурқонот тулпорларга кўзи тушибди. Қўл остидаги девларга уларни тутишни буюрибди. Тулпорлар эса кўздан ғойиб бўлибди. Сулаймон Самандун де-

ган девнинг ёрдамида тулпорларни қўлга туширади. Ва қанотларини кесиб ўзининг ёнида олиб қолади. Девлар ўша тулпорлар ўтлайдиган булоқ ўрнида шаҳар бунёд этиб, уни «Ҳазорасп», яъни «Минг от» деб атади.

Китобда бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Сабабки, бундай гўзал афсоналар ва афсонавий жойлар ўлкамизнинг ҳар бурчида топилади. Сиз ҳам карвон билан «кўёш хузурига» йўл олар экансиз, бундай аjoyиб-ботлар ҳақида маълумот олиб кетаверасиз: Навоий вилоятидаги Сармишсой ва Тошўрмон, Қашқардаги Сувтушар шаршараси, юртимиздаги энг улкан чинор ва энг узун фор, Марказий Осиёда энг катта бўлган Термиз археология музейи...

Муаллиф Сармишсой дарасидаги қоятош суратларни «сўзлатиш» йўлини



топади. IX асрга оид «Ирқ битиги»да ёзилган сўзлар билан кўплаб тошсуратлардаги манзаралар бир-бирига мутаносиб тушиши кишини ҳайратга солади.

Китобда Ибн Баттуга, Наршахий, Шарафиддин Али Яздий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби турли давр тарихчиларининг асарларидан унумли фойдаланилган. Бу ҳам худудлар ҳақида хикоя қилишда мазмунни тарих саҳифалари билан бутлашда кўр келган.

Сўхроб ЗИЁ

2017-yil 13-sentabr, № 73 (9034)

Сузувчиларимиз қитъа чемпионатини 31 медаль билан якунлади

Пойтахтимизда сув спорти турлари бўйича ўтказилаётган IX Осиё чемпионатининг сузиш бахслари якунланди.

Мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси Хуршидjon Турсунов 50 метрга эркин сузиш бўйича ўтган бахсларда барча рақибларини ортда қолдириб, Осиё чемпиони унвонини қўлга киритди. Ушбу масофага хотин-қизлар ўртасида ўтган беллашувларда вакилларимиз Наталья Критина ва Алёна Васильева бронза медаль билан тақдирланди. Эркаклар ўртасида мазкур масофага эстафета мусобақасида терма жамоамиз биринчи ўринни эгаллади.

200 метрга баттерфляй усулда сузишда спортчимиз Артем Козлюк кумуш медални қўлга киритган бўлса, 100 метр масофага чалқанча сузган Одилбек Юсупов ва Мафтунабону Тўхта-

Осиё чемпионати — 2017

синова шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Сузиш бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 13 олтин, 7 кумуш ва 11 бронза медалди, жами 31 медаль жамғарган ҳолда умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Осиё чемпионатининг сув полоси бахсларининг навбатдаги кунда Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси Қозғистон терма жамоаси билан 7:7 ҳисобида дуранг ўйнади.

Эртага Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси Хитой вакиллари билан куч синашади.

Ж. ТОШХУЖАЕВ,
УзА мухбири



НАДАЛНИНГ 16-СОВРИНИ

Теннис бўйича АҚШда якунланган мамлакат очиқ чемпионатининг эркаклар ўртасидаги мусобақасида испанилик Рафаэль Надаль галаба қозонди, дея хабар берди «Лента» манбаси.



У «US Open»нинг ҳал қилувчи баҳсида Жанубий Африка Республикаси вакили Кевин Андерсонга қарши қорғта чиқди ва 6:3, 6:3, 6:4 ҳисобида зафар кўчди. Матч 2,5 соат давом этди. Шу тариқа 31 ёшли Рафаэль фаолиятида учинчи марта «US Open» (2010,

2013, 2017) бош совринини қўлга киритди. Умуман, «Катта дубулга» туркумидаги мусобақаларда 16 бор бош соврин эгаси бўлди.

Хотин-қизлар ўртасидаги ҳал қилувчи баҳсда эса америкалик 24 ёшли Слоан Стивенс юртдоши Мэдисон Киз (22 ёшдан 6:3, 6:0 ҳисобида устун келди).

«Ma'rifat» турнири ўтказилди

Пойтахтимиздаги Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабида «Ma'rifat» — «Учитель Узбекистана» газеталари соврини учун ижодкорлар ўртасида шахмат мусобақаси ўтказилди.



Жонахон юртимиз Мустақиллигининг 26 йиллиги ҳамда 1 октябрь — Ҳўкутвчи ва мураббийлар кўни муносабати билан ташкил этилган мазкур «ақл муҳорабаси»дан кўзда тутилган мақсад оммавий ахборот воситалари ходимлари, айниқса, адабиёт

Бундан ташқари, Очил Ҳазратов, Носиржон Тошматов, Абдурахмон Жўраев, Олим Ҳасаров, Ориф Тўхташ, Нодир Жонузоқ сингари айни кез ОАВда ижод қилиб келаётган таниқли ижодкорлар ҳам шахмат борасидаги маҳоратини синаб кўрди.

Ҳотгани айни ҳақиқат. Энг муҳими, фахрий журналистаримизнинг байрамони кайфияти, ўзаро суҳбати, устозларнинг ёдга олиниши ва бугунги ёшлар билан учрашув зерикишга имкон қолдирмади.

Швейцарча тизимда ўтказилиб, жами 7 тур давом этган турнир якунида таниқли адиб, журналист, педагог Хуршид Дўстмуҳаммад 6,5 очко жамғариб, 1-ўринни эгаллади.

— Биласизми, кадрдонлар, ёш ҳамкасбларимиз билан шахмат ўйнаб дам олдим, — деди турнир ғолиби Хуршид Дўстмуҳаммад. — Шахмат берадиган илҳом, завқ сурурни бошқа спорт туридан топиш қийин. Шу боис ҳам дондаларни бир катакка суриш учун шахмат доскаси атрофида соатлаб ўтиришга эринмайсиз. Ҳар бир донданнинг ўз фалсафаси, ўз йўли бор. Қолаверса, шахмат баҳона дийдорлашиб, дилдан суҳбатлашганимизнинг ўзи катта гап. Мана шундай маънавийат, маърифат турнирлари давомли бўлса, бarchamиз учун фақат ва фақат самарали бўларди.

«Муштум» журнали бош муҳаррири Носиржон Тошматов ҳамда «Тошкент оқшоми» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Очил Ҳазратов 5 тадан очко тўплаб, 2- ва 3-ўринларни банд этди. Шунингдек, галабага бўлган иштиёқини тўла намоён этган иштирокчилар — Ҳабиб Темиров, Шодмон Отабек ва Иброҳим Гафуров рағбатлантирувчи соврин билан тақдирланди. Ҳали бундан ташқари «Ma'rifat» — «Учитель Узбекистана» газеталари тахриратининг диплом ва эсдалик совғалари берилди.

Зоҳиджон ХОЛОВ
Владимир ГРАНКИН
олган суратлар.

ЧЕМПИОН ХАМ ЕНГИЛДИ

Норвегиялик гроссмейстер Магнус Карлсен жаҳон кубоги мусобақасининг учинчи босқичидан ўрин олган баҳсда мағлубиятга учрагани ҳақида «Лента»да ёзилди.

Икки партиялик баҳсда амалдаги жаҳон чемпиони Магнус Карлсен хитойлик Бу Сянчжига ютказиб қўйди. Эътиборлиси, 27 ёшли М.Карлсен 2007 йилдан бундан буён даражадаги мусобақаларда мағлубият нималигини билмай келётган. Ушунда у америкалик Гата Камскийдан енгилган.


Тбилиси шаҳрида ўтказилаётган мазкур мусобақанинг финалгача бўлган матчулар икки партиядан иборат бўлади. Агар дуранг бўлса, тай-брейк ўтказилади. Ҳали бундан ташқари жаҳон чемпионлиги «тожи» учун даввогарлар турнирига йўланма олади.

Баҳслар 27 сентябргача давом этади.



11-НОКАУТ — 13-ФАЛАБА

Украиналик боксчи Александр Усик немис спортчиси Марко Хукни мағлубиятга учратгани ҳақида «Лента»да маълумот берилди.



Германия пойтахти Берлинда ўтказилган муштлашув кечасида симферополлик боксчи мезбонлар вакилини 10-раундда техник нокаутга учратди. Шу тариқа 30 ёшли украинлик боксчи Жаҳон боксчилар ташкилоти (WBO) чемпионлик камарини муваффақиятли ҳимоя қилди. Қолаверса, мазкур жанг ташкилотнинг суперсериясидан ўрин олган чорак финал учрашуви ҳамдир. Энди А.Усик ярим финалда Майрис Бриедис (Латвия) ҳамда Майк Перес (Куба) қарама-қаршилиги ғолиби билан рингга чиқади.

Усик ҳозиргача 13 та жанг ўтказиб, барчасида галаба қозонган, 11 марта рақибларини нокаутга учратган.

КОНТАДОР ЯНА «КУРУҚ» ҚОЛДИ

Испания, Франция ва Андоррадаги шосселар бўйлаб уч ҳафта давом этган «Вуэльта» кўпкунлик велопоилгаларида британиялик Крис Фрум («Скай») галаба қозонди.

«ТАСС»да хабар қилинишича, иккинчи ўрин италиялик Винченцо Нибали («Бахайн-Мерида»)га насиб қилди. 2010 йилги «Вуэльта» бахслари ғолиби, 32 ёшли Винченцо ўз фаолиятидаги иккинчи кумуш медални қўлга киритди. Учинчи ўринга «Катоша-Альпесининг» 27 ёшли етатчиси, россиялик Ильнур Закарин лойиқ кўрилди.

Маъшур велопоилгачи Альберто Контадор эса тўртинчи имкониятдан ҳам фойдаланолмади.

БИРИНЧИ АЁЛ РЕФЕРИ

Бибиана Штайнхаус Германия олий дивизиони — бундеслига учрашувида бош ҳакамлик қилган биринчи аёл рефери сифатида мамлакат тарихига кирди, дея хабар берди «Спорт» нашри.

38 ёшли тахрибали мутахассис мамлакат чемпионатининг 3-туридан ўрин олган «Горта» ва «Вердер» клублари учрашувини (1:1) бошқарди. У ўзининг 36-дақиқасида мезбонлар вакили Перг Шелл-Бредга сариқ карточка кўрсатди.

Штайнхаус икки йил мобайнида Германия чемпионатининг иккинчи ва учинчи дивизионларида ишлаб, тахриба тўплади. Шунингдек, у аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионати, Европа чемпионлар лигаси ҳамда олимпия ўйинларида футбол мусобақаси финал бахсларини бошқарган.



З.ХОЛОВ тайёрлади.



ва журналистика майдонида аллақачон устоз мақомига эришган фахрийлар ўртасида спортнинг оммавийлигини янада ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, шунингдек, тахриратимиз аъзоларининг тахрибали журналистлар билан ҳамкорлигини янада кучайтиришдан иборат.

Турнирда қатнашган аксарият шахматчилар бор-сирини яхши танишади. Улар орасида шахмат тахтаси узра баҳсда дуч келавериб, бир-бирининг ютук-камчиликларини биладиган, юришларини ёдлаб олган фахрийлар ҳам бор. Хусусан, Иброҳим Гафуров, Сайди Умиров, Хуршид Дўстмуҳаммад, Мирпўлат Мирзо, Ҳабиб Темиров, Шодмон Отабек каби моҳир шахматчи-зиёлилар турнирнинг қизгин кечишига ҳисса қўшишди.

— Аввало, мана шу тадбирни ташкил этган «Ma'rifat» — «Учитель Узбекистана» газеталари тахриратига раҳмат, — деди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Сайди Умиров. — Бундай мусобақалар қанча кўп ўтказилса, жамиятимиз учун ҳам, касбимиз ривож учун ҳам шунчалик фойдали. Мана, бугунги мусобақа ҳам жуда чиройли ташкил этилгани, ўзига хос муҳит ҳосил қилганини кўриш мумкин. Эски рақиблар шахмат тахтаси атрофида фақат мук тушиб, донга сурмайди, балки самимий ҳангомалар, аскияю ҳазиллар, қисқаси, қайноқ гурунг билан турнирнинг ҳар бир дақиқасини безайди. Биз эса шундай муҳорабаларни соғиниб яшаймиз.

Чиндан ҳам кўтаринки руҳда ўтган мусобақа ҳар бир иштирокчида ўзгача таассурот уй-



Замонавий китоб дўкони иш бошлади



Навоий вилояти Кармана туманида "Китоб олами" замонавий савдо мажмуаси иш бошлади.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши ижроси доирасида барпо этилган мажмуанинг очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, кенг жамоатчилик, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжини қондириш, китобга қизиқшини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига

садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Мажмуада 10 га яқин бўлим бўлиб, юртимиз нашриётларида чоп этилган илмий-техник, сиёсий-ҳуқуқий, бадий адабиётлар, ўқув қўлланмалари, болалар адабиётига оид 30 мингдан ортиқ китоб сотилмоқда. Китобхонлар учун барча қулайлик яратилган. Жумладан, мутолаа бurchаги ташкил этилгани ўқувчига шу ерда китоб билан танишиш, унинг илмий-бadiий қиммати ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, бир сўз билан айтганда, танлаш имконини беради.

— Катта шаҳарлардагидан қолишмайдиган мана шун-

дай замонавий китоб дўкони бизнинг туманда ҳам бўлишини орзу қилардик, — дейди Навоий давлат педагогика институти талабаси, "Шуҳрат" медали соҳиби Л.Қаюмов. — Мамлакатимизда китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган алоҳида эътибор тўғрисида бу орзуимиз амалга ошди. Айниқса, бу ерда яратилган шароит ва қулайликлар маърифатни тарғиб қилиш, маънавиятни бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

Мажмуанинг очилиш маросимида Навоий вилояти ҳокими Қ.Турсунов сўзга чиқди.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА муҳбири
Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. F-915. Tiraji 33 688.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV,
Navbatchi muharrir:
Rayhona KO'JAYEVA,
Navbatchi:
Faxriddin RAHIMOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'za yakuni — 22.42 Topshirildi — 23.30